



3

**АБИТУРИЕНТ—2010:
ҚАНДАЙ
ЯНГИЛИКЛАР БОР?**

**«КАССАБОП»
КИНОЛАР
КЕРАКМИ?**

4



11

**ҲАШАМАТГА
СИҒМАГАН ҲИКМАТ**

**ҚАЙНОНА
ҚАЙ ОНА ЭМАС!**



15

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ



Билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллаган, ўз соҳасининг эгаси бўлган бугунги битирувчилар эртанги кунимизнинг етук кадрларидир.

4-5

КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

→ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

БУГУН:

→ Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-

танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори ва "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мазкур танловнинг вилоят босқичлари давом этмоқда.

→ Юртимизда ёш оилалар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг намунали ёш оила" кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ҳам қизгин паллага кирди.

ЭРТАГА:

→ Жаҳон халқлари куни (11 июль) муносабати билан уюштирилаётган тадбирларга тайёргарлик кўриляпти.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

«Энг улуг, энг азиз» танлови бошланди	2
Мустақил ҳаётнинг олтин калити	5
Йигитга ифбат керакми?	5
Бир отим захар	6
Эркакларнинг асл душмани	6
Ёш ватанпарварнинг қарори	7
Теледастурлар	8-9
«Семурғ»нинг сирли суви	12
Осмондан чалпак ёққан кун	13
Буюм нарҳини нима оширади?	14

ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 январдаги 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралардаги ижроси, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестицион лойиҳалар, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш дастурларининг, инновацион лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳофаза қилинди.

2010 йилнинг биринчи ярмида комплекс бўйича жами 1 202,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 114,3 фоизни ташкил этди. Аҳолига 602,3 миллиард сўмлик (106,5%) пуллик хизматлар кўрсатилди. Чет инвестиция лойиҳалари бўйича 152,1 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўлаштирилди ёки режага нисбатан 176,3 фоизга бажарилди.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари 123,3 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси

тизимда юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросининг бориши, 2010 — 2011 ўқув йили учун умумтаълим мактаблари дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр қилишнинг аҳоли, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, миллий маънавиятимизни юксалтириш, ҳамжиҳатлини таъминлаш, мамлакатимизда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш бўйича қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар самарадорлиги таҳлил қилинди.

Вазирлик ва идораларда, маҳаллий ҳокимлик органларида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати таҳлили, рақамли ва кенг поласоли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, ундан ҳар бир оила фойдаланишига имкон яратиш борасида олиб бориладиган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗ)

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндalarини «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда биз учун энг булук, энг азиз қадрият, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи – мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» аънавий танловига тақлиф этади.

Танловга «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу гоғна ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва маънавий, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, ҳақон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намойён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам замини бўлиб

келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетақрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва аъналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан қадри ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳуж-

жатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2009 йилнинг 1 августидан 2010 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, эълон қилинган тасвирий санъат ва экранларда намойиш этилган кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 августигача қабул қилинади.

Танлов гоғиллари Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61;
244-37-87; 244-11-64.



ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Киргизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Юртбошимизнинг ушбу Фармонида алоҳида таъкидланганидек, «Халқимизга хос юксак гуманизм, бағрикенглик ва меҳмуруват фазилатларини амалда яна бир бор намойён этиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ҳар томонлама беғарз ёрдам кўрсатишда ўзини аямасдан хизмат қилган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган» бир гуруҳ фидойи инсонлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Улар орасида газетамиз муассиси Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг қуйидаги фаол вакиллари ҳам бор:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Андижон шаҳридаги 4-сон маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсорохон Зайдинова, Жалолқудуқ туманидаги «Бештол» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ходяҳон Тоҳиматова

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Қўрғонтепа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Абдуллаева, Бўз тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Матлубохон Тўйчиева

«Дўстлик» ордени билан

Марҳамат туманидаги Т. Мирзеев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Аропатхон Курбонова, Асака шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фируза Раҳматова, Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Якубова

«Шуҳрат» медали билан

Қорасув шаҳридаги «Пахтачи» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулхумор Амонова, Асака туманидаги «Маржаюз» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳаббатхон Бегимқолова, Андижон шаҳридаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Илтифотхон Болтабоева, Хўжаобод туманидаги «Олтин водий» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қундузхон Гафарова, Асака шаҳридаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ёкут Мадраҳимова ва Шахрихон туманидаги «Қушқўноқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шохидохон Хайдарова.

РЕГИСТОНДА КЎРГАЗМА

Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида жойлашган Тилкорлар мадрасасида қасаначилик билан шуғулланаётган аёллар иштирокида савдо кўرғазмаси ташкил этилди.

Юртимизда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида олиб бориладиган ислохотлар самараси ўларок, қасаначилик иқтисодийнинг муҳим бўғини сифатида ривожланиш билан бирга, оилаларнинг моддий имкониятларини яхшилаш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Буни кўрғазмага қўйилган маҳсулотлар сони ва сифати ҳам тасдиқлаб тургани алоҳида эътироф этилди.

Мақзур тадбирнинг айнан Тилкорлар мадрасасида ўтказилгани унга ўзига хос руҳ бағишлади. Зеро, мукаммал меъморий ечим асосида бунёд этилган обиданинг ўзбек халқимизнинг яратувчанлик кайфияти рамзи бўлиб савлат тўкиб турибди. Иштирокчилар томонидан тайёрланган ва кўрғазмага қўйилган маҳсулотлар аҳдодларимиздан қолган яратувчанлик руҳи бугун ҳам барҳайёт эканидан далolat бериб тургандай...

Кўрғазма УЎДП «Фаол аёллар» қанотининг навбатдаги йиллик конференцияси доирасида ўтказилди.
Азизбек ДАВРОНОВ

Саратоннинг аини жазирама кунлари абитуриентлар учун янада қайноқроқ кечади. Олий ўқув юртлирига кириш имтиҳонлари куни — 1 август остонасида турибмиз. Кимдир ҳалиям бир қарорга келмаган, қайси институтга кирсам экан, деб ўйлиниб юрибди. Бошқа бири вақт кам қолганидан, имтиҳонларга пухта тайёрлана олмаганидан нолиди. Бировга тўғри йўл кўрсатадиган маслаҳаттўйи етишмайди, яна кимгадир мақсад сари интилиш учун гайрат ва шижоат. Баъзиларга эса... Хуллас, шу кунларда абитуриентман дегани борки, турли хил ўй-хаёл, ҳадик ичра яшаётир. Ўз билими, кучига жуда ишониб кўйганининг ҳам кўнглини «Қандай бўлар экан?» деган хавотир қўйнамоқда. Ота-оналарни-ку қўяверинг... Ўқишга топширган ўғил-қиз бир ҳаяжонланса, улар минг чандон ҳаяжонлинишмоқда. Хуллас, биз бугун олий ўқув юртлирига қабул жараёни, янги қонун-қоидалар, янги йўналишлар ҳақида сўз юритмоқни лозим топдик.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ: ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР?

АСОСИЙ РАҚАМЛАР

Президентимизнинг «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ушбу ҳужжат жараёнига алоқадор ҳар бир киши учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётти, десак муболаға бўлмайди. Унга кўра, 2010/2011 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига жами 56 607 нафар (19 755 нафари давлат гранти, 36 852 нафари эса тўлов-контракт асосида) қабул белгиланган. Шунингдек, бу йил олий таълим муассасаларига 5 856 нафар магистр (1 561 нафари давлат гранти, 4 295 нафари эса тўлов-контракт асосида) қабул қилиниши режалаштирилмоқда. Қарорда умумий квотанинг 20 фоизини муқаддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсиянома олган ҳарбий хизматчилардан қабул қилиш кўрсатилган.

ТАРАҚҚИЁТ ТАКОЗОСИ

Рақамлар ҳам айтиб турибди, бу гал магистратура мутахассисликларига ўтган йилларга нисбатан кўпроқ ўрин ажратилган. Қарордаги яна бир янгилик шуки, Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университетининг бакалаврияти талабаларига жорий йилда 200 киши мўясар бўлиши мумкин.

Шитоб билан илгарилардан тараққиёт янги-янги жабҳаларда хизмат қиладиган мутахассисларга ёки бирор соҳанинг билимдонларига эҳтиёжни ошириши табиий. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори Баҳром Исмоилов «Маърифат» газетасида чоп этилган интервьюсида бу йил қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги ва сиёсий соҳаларда янги йўналишлар очилганини таъкидлаган. Жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига «халқаро сиёсат», Тошкент давлат техника университетига «гидроэнергетика», Тошкент ислом университетида «психология (дин психологияси)» каби 20 дан ортиқ олий таълим муассасасида 100 дан зиёд таълим йўналишлари очилган. Бу эса келажакни қайси соҳа билан боғлашга ҳамон иккиланган юрган абитуриентлар учун янги имкониятлар яратиши табиий (қабул комиссияларининг эълонлар тахтаси ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти (www.edu.uz) орқали бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш мумкин).

— Кейинги йилларда қишлоқларимизда замонавий иморатлар қад ростлаб, шаҳарлардан қолшимайдиган инфратузилма шаклланапти, — дейди Тошкент архитектура ва қурилиш институти қабул комиссияси масъул котиби Шўҳрат Рейимбоев. — Мавжуд эҳтиёждан келиб чи-



қиб, бу йил институтимизда «қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш» ва «қишлоқ қурилишини лойиҳалаш» каби йўналишлари очилди. Ҳар бирига 45 нафардан (25 нафари давлат гранти, 20 нафари тўлов-контракт асосида) ўрин берилган. Шанба куни республикадаги барча ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларида битирувчиларга диплом топириш маросими бўлиб ўтди. Шу боис қабул жараёни душанба кунидан бўён анча жонланиб қолди. Абитуриентлар кўпроқ «қишлоқ қурилишини лойиҳалаш» йўналишига қизиқиш билдиришмоқда. Ишонимизки, бугун бизга ҳўжат топираётган ёш йигит-қизлар бир кун келиб қишлоқларимизнинг янада обод бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишди...

СИРТДАН ЎҚИШ МУМКИНИ?

Бу савол бир неча йиллардан бери ҳар гал кўндаланг қўйилади. Ижобий жавоб умидида юрган абитуриентлар учун хўшхабарларимиз бор. Ўйлаймизки, улар кўпчиликага асқотад. Президентимиз томонидан имзоланган ушбу қарорда махсус сиртки учун Тошкент кимё-технология институти (Кўнғирот бўлими)га давлат гранти асосида 65 кишилик, Тошкент ахборот технологиялари университетига 50 кишилик квота берилган.

Тошкент кимё-технология институти (Кўнғирот бўлими)га абитуриентлар тест синовларисиз давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Бунинг учун сиз таълим йўналишига мос уч йиллик меҳнат стажига эга бўлишингиз, «Ўқимбўна» ДАК ва Кўнғирот сода заводининг йўналишларини олинишингиз лозим. Талабалик бахтига мўясар бўлганлар институтнинг Кўнғирот сода заводи муҳандислик биносига жойлашган ўқув-лаборатория базасида ўқийдилар.

— Ўтган йили таълим муассасамизда

телевидение йўналиши бўйича махсус сиртки бўлими очилган эди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети қабул комиссияси масъул котиби Собир Юсулов. — Бу бўлимга жорий йилда 50 кишилик квота ажратилган. Мос йўналишлар бўйича ўрта махсус, касб-хўнар таълими маълумоти ва 3 йиллик меҳнат стажига эга фақрларолар ширтки имконияти қўлга киритиши мумкин. Улар тест синовлари натижаларига кўра кино-телеоператорлик, махсус ёритиш технологиялари, аудиовидео технологиялар, компьютер графикаси ва дизайн, овоз ёзиш технологиялари сингари беш йўналишда ўқишга қабул қилинадилар.

ИМТИЁЗИНГИЗДАН ФОЙДАЛАНИГ

Юртимизда истиқлол йилларида ёшларни, айниқса, иқтидорли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Олий ўқув юртлирига қабул жараёни ҳам бундан мустанос эмас. Бир неча йиллардан бўён турли соҳаларда ютуқларга эришган ёшлар институт-университетларга имтиёзли равишда қабул қилинмоқдаки, ҳар бир юртошимиз бу анъанадан яхши хабардор бўлса керак. Жумладан, амалдаги қоидаларга кўра, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлган ўқувчилар, педагогика ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари ва таълим муассасалари тарбиячиларининг «Тарбиячи», тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг «Ҳамшира» ва Бадий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танловлари, шунингдек, халқаро ва республика олимпиадалари, мусобақалари голиблари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази таъсис этадиган махсус гувоҳномани олганлар Дав-

АБИТУРИЕНТ — 2010

лат комиссиясининг қарори билан мос таълим йўналишлари бўйича олий ўқув юртлирига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларисиз давлат гранти асосида қабул қилинади. Агар абитуриент ҳўжат қабул қилиш муқаддатли тугагач, 31-июлгача кўрсатилган имтиёзлардан бирига эга бўлса, Давлат комиссияси тегишли вазирликлар, идораларнинг тақдимномаси асосида алоҳида қарор қабул қиладди.

Ҳарбий тавсияномага эга абитуриентга имтиёзли равишда тест синовларида тўғланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдориди қўшимча балл берилиши ёш йигитларимиз орасида Куролли кўчалар сафидида муқаддатли ҳарбий хизматни ўташга бўлган қизиқишни кучайтирмоқда. Ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг бундай тавсияномалари берилган кундан ва муқаддатли ҳарбий хизматни тугатган давридан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

— Ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ тест синовиди керакли баллни тўғлай олмаган абитуриентлар педагогика, қишлоқ ҳўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади, — дейди Низомий номидаги давлат педагогика университети қабул комиссияси масъул котиби Маъруфжон Йўлдошев. — Шу сабабли бўлса кераки, ҳарбий имтиёзли абитуриентлар бизга кўпроқ ҳўжат топиришмоқда. Улар учун алоҳида шарт-шароитлар яратилган. Имтиҳонларга тайёрлаш курслари бепул ташкил этилиб, энг малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Қолаверса, бундай талабалар тўлов-контракт асосида ўқишга киришга, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳар йили умумий сумманинг 35 фоизи миқдориди ёрдам кўрсатади. Бу ҳам муқаддатли ҳарбий хизматни ўтаб келгач, талаба бўлган ёшларимиз учун яратилган катта бир имкониятдир.

ТАРТИБ ЯНАДА ҚАТЪИЙ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори Баҳром Исмоиловнинг таъкидлашича, тест синовларида фойдаланиладиган материаллар: саволлар китоби, жавоблар варақаси ва тест саволлари сониди ўзгаришлар деярли йўқ. Аммо имтиҳонларни ўтказиш тартибларига айрим ўзгаришлар киритиш кўзда тутилган. Жумладан, тест синовларига абитуриент фақат шахсини тасдиқловчи ҳўжжати (паспорт ёки паспортга тенглаштирилган гувоҳнома), таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан берилган рухсатнома билан келиши шарт. Борди-ю, у бошқа қўшимча нарсаларни аудиторияга олиб киришга ҳаркат қилса, мавжуд тартибни бузган ҳисобланади ва тест синовларидан четлатилади. Шунингдек, олий таълим муассасаларида абитуриентларнинг тест синовларини топириш жараёни учун видеокузатув назорати ҳам ўрнатилди.

Шундай экан, ҳурматли абитуриент! Ўзингизни ҳар қўйга солавермай, билимингизга ишонинг-да, турли хавотирлару ҳаяжонлардан холи бўлиб, тест ечишга киришинг! Ажаб эмас, бахтингиз қулса...

Фаррух ЖАББОРОВ,
«Оила ва жамият» мухбири

«BERNINA» ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«Bernina» атамаси швейцарияликларга игна, ип, қайчи ва бошқа чеварлик ашёлари каби йўрғакданок таниш. Чунки бу тикув машинасининг яратилганига анча вақт ўтган бўлса-да, кун сайин такмиллашиб бораётгани бу ускуна истъмоладан чиқиб у ёқда турсин, текстиль оламида ўз ўрнини кўнба кун мустаҳкамлаб олмоқда. Бугунги кунга келиб эса ўзбек аёллари ҳам бу мукамал тикув машинасининг барча имкониятлари билан танишиш орқали жа-

ҳон андозаларига кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ва яратиш, мохир модельерлар бўлишига

БАНДИК ДАСТУРИ

эмас, «Bernina» нинг асл ватани Швейцария ва бошқа мамлакат хотин-қизларини ўзлари яратган либослар билан хўшнуд этишга бел боғладилар.

Гап шундаки, куни кеча пойтахтимизда ўқиш дастури Тошкент тўқимачилик ва энгил са-

ноат институтининг мутахассислари билан биргаликда тузилган, аёлларга тикувчилик ва каштачилик асосларини ўргатиш, бизнес асосларига ўқитиш, тажрибали ва профессионал даражадаги чеварлар тайёрлаш, шу билан бирга, аёлларга кичик хўсусий оилавий бизнес очишга шароит яратишни кўзда тутган, барча замонавий талабаларга жавоб берувчи янги ўқув маркази иш бошлади. Ушбу марказ «Bernina-tikuv mash» очик акциядорлик жамияти томонидан Гер-

мания техник ҳамкорлик жамияти ва Швейцариянинг «Bernina International AG» компанияси ҳамкорлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмағида ташкил этилди.

Марказ ва унинг маҳаллий тармоқларида тезкор ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларида тикувчи-ўқитувчилар ва ишсиз хотин-қизлар имтиёзли равишда (ўқув жараёни ва тушлик бепул, яшаш, кунлик ва йўл харажатлари эса пуллик) ўқитиладди.

Бир сўз билан айтганда, 15 турдан ортиқ замонавий тикув, кашта тикиш ва компьютер машиналари, «Burda Moden»нинг

энг янги андозалари ҳамда ушбу либослар учун ишлатиладиган матолар тингловчилар ўқув жараёнида таъминланади. Бундан ташқари тингловчилар ўқишда ўзлари хоҳлаган тикув машиналарида ўқишлари ва келгусида уни сотиб олишлари мумкин.

Тезкор ўқитиш ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсларига «Тадбиркор аёллар уюшмаси», Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» жамғармаларининг тавсияномалари асосида танлов орқали қабул қилинади.

Ўз мухбиримиз

Аюб ШАҲОБИДИНОВ, кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Киночилар тили билан айтганда, "якши ёки ёмон эмас, бадий фильм бўлади" деган гап бор. У қайси жанрда бўлмасин, аввало, бадий жиҳатидан таҳлил қилинади. Ёшидан қатъий назар, томошабинлар шу фильмни томоша қиляптими, унда бадийлик, ранг-баранглик борми, у барибир кино асари сифатида тан олинади. Бугунги кунда эса кўпроқ рекламанинг кучи бекиёс: ким ўзини ҳаммадан ўтказиб мақтаса, ташвиқ қилса, омма ўшанга қизиқади, натижада шу тахлит оммалашган, томошабоп фильмларни кўрувчилар ҳам кўпаяверади. Ва бу ҳозирги кунда табиий ҳолга айланган. Чунки бундай фильмларнинг ҳам ўзига яраша мўлласлари, талабгорлари бор-да. Бу — яхши, буниси савиясиз кино дейишимиз учун, аввал ҳақиқий санъат талабларига жавоб берадиган киноларимизни кўпайтиришимиз керак. Тўғри, бадий жиҳатдан етук, санъат асари дейишга аризиғлик, нуфузли кинофестивалларда иштирок этаётган киноларимиз бор-у, аммо улар ҳозирча жуда кам. Аксарият фильмларимиз ўртача даражадан кўтарила олмаяпти.

Гофир ШЕРМУҲАММЕДОВ, "Ўзбекино" миллий агентлиги бадий мультпликацион фильмлар сценарийларини тайёрлаш ва тематик режалантириш бўлими бош муҳаррири, кинодраматург:

— Менимча, фильмларимиз давлат маблағи асосида ишлаб чиқариладими ёки хусусий студиялар томонидан суратга олинаётими, нима бўлган тақдирда ҳам, биринчи навбатда санъат асари бўлиши керак. Тўғри, битта кинони тасвирга олиш учун каттагина маблағ сарфланади, шундай бўлганда, ишлаб чиқариш ишлага чиқариш харажати ҳам оқлаши керак-ку! Айниқса, хусусий киноларда бу ниҳоятда муҳим талаб. Лекин моддий манфаатни деб халқнинг маънавияти, руҳиятига тескари таъсир кўрсатадиган мавзуларни мана шу кино экан деб нотўғри талқин этмаслик керак. Чунки кинофильмларнинг қандай улкан таъсир кучига эга эканини ҳаммамиз ўзи биламиз ва бу борада хатолликка йўл қўйиш эртага қимматга тушишини ҳам унутмайлик. Маза-матрасиз, бачкана фильмлар билан ёш авлоднинг дидини ўтмаслаштирмаслигимиз, томошабиннинг савиясини туширмаслигимиз лозим. Бу талаб "Ўзбекино" томонидан тасвирга олинаётган фильмларда боз мезон деб қаралади. Масалан, Жаҳонгир Қосимовнинг "Сув ёқалаб" фильми Москвада бўлиб ўтган "Золотой Мотязь" кинофестивалида қумуш совринини кўлга киритди. Ўзбекининг ўзлигини намоён этган фильм сифатида эътироф этилди. Аюб Шаҳобиддиновнинг "Ўтов", Ёлқин Тўйчиевнинг "Поскриптум" ("Илова") фильмлари ҳам томошабинлар жуда яхши қабул қилди. Муҳокама пайтида "Ўтов"ни унча-бунча одам таъзимас керак, дейиш-

Кинога кимлар кўпроқ қираяпти? Ёшларми ёки катталарми? Кинотеатрлар афишаларида аксарият ҳолларда севги-муҳаббат, маший-ишқий мавзуларнинг тинмай тарғиб этилиши тўғрими? Миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар талқин этилган халқчил фильмларга кўпроқ эътиёж сезилмаяптими? Бадий кенгашлар фаолияти қай даражада? Умуман, "Ўзбекино" миллий агентлиги бадий кенгашидан ўтиши керак бўлган фильмларга қўйиладиган умумий талаблар нималардан иборат? Хусусий киностудияларда олинадиганларга-чи?

Хуллас, шу каби долзарб ва бугунги кунда кўпчиликни ўйга толдираётган саволларга мазкур соҳага бевосита дахлдор бўлган сўхбатдошларимизнинг жавобларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ганди, йўқ, томошабинлар жуда яхши кутиб олди, айниқса, фильм телеэкран орқали намойиш этилган, янада оммалашди.

— **Гофир ака, шу ўринда бадий кенгаш фаолияти хусусида батафсил маълумот бериб ўтсангиз.**

— Агентлик қошида истеъдодли ёзувчилар, драматурглар, тарихчи, санъатшунослардан таркиб топган, жами ўн уч кишидан иборат бадий кенгаш ташкил этилган. Ижодкорлар

қизгин иш олиб боришяпти.

— **Хусусий киностудияларда суратга олинаётган фильмлар ҳам бадий кенгаш кўригидан ўтказилади-ми?**

Ф. Шермухаммедов: — Албатта, уларнинг фаолияти ҳар хил мутасадди идора вакиллари-дан, профессионал киноижодкорлардан ташкил топган "Идораларроқ эксперт комиссияси" томонидан назорат қилинади. Мазкур комиссия ўз низомига

режиссёр ўз олдига аниқ мақсад қўя олиши ва ишга сидқидилдан ёндошиши зарур. Энди, бу ижодда, ҳар доим ҳам зўр кино яратиш қийин. Лекин шунга интилишимиз шарт. Шароитга келадиган бўлсақ, мамлакатимизда кино санъатига ниҳоятда жиддий эътибор қаратиляпти, маблаг билан таъминлаш борасида ҳам, қолаверса, техник жиҳозлашда ҳам етарлича шарт-шароит яратилган. Фақат ижод қилиш керак. Бўёғи биз — режиссёрларга боғлиқ, Бу



томонидан тақдим этилган сценарийларни ўқиб чиқиб, савияси, кўтарилган мавзунинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда уларни мазкур бадий кенгашга тақдим этамиз. Низомида белгиланганидек, сценарийлар, аввало, бадий жиҳатдан етук бўлиши, уларда миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, халқимизга хос анъана ва урф-одатларимиз тўлақонли акс этиши, бир сўз билан айтганда, замонавий қаҳрамон образи орқали ўзбек характери очиб берилиши лозим. Давлат маблағи асосида суратга олинадиган бадий ҳамда мультпликацион фильмларнинг сценарийси ушбу кенгаш муҳокамасидан ўтказилади. Агар маъқул топилса, белгиланган студияларга фильм ишлаш учун топширилади. Бадий томондан саёб, маъқул келмаган асарлар эса табиийки, қайтарилади, айримлари қайта ишлашга берилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳозирги кунда юртимизда миллий мультфильмлар ишлаб чиқаришга жиддий эътибор берилмоқда. Яқиндагина республика Маънавият маърифат тарғибот марказида шу масала бўйича болалар ижодкорлари — шоир ва ёзувчилар, драматурглар, психологлар, педагог олимлар ва мультпликаторлар иштирокида катта йиғилиш бўлиб ўтди ва эртанги келажакимиз ворислари бўлган болаларимиз учун миллий қаҳрамонларимиз образини яратиш, уларда миллий ғурурни шакллантириш масаласи ўртага қўйилди. Натижада ўнта миллий мультфильм ишлаш учун топширилди. Шунингдек, янги бадий фильмларнинг тасвирга олиши ишлари ҳам тўхтагани йўқ. Шу кунларда режиссёр Аюб Шаҳобиддинов "Кечиккан ҳаёт", Хотам Файзиев ва Мэлс Абзалов "Таъзиядаги тўй", Баҳодир Одиллов "Қарздор" фильмлари устида

асосан тайёр бўлган ҳар бир фильмни кўриқдан ўтказида ва намойиш қилишга рўқсат беради. Айни пайтда хусусий тартибда тайёрланаётган фильмларга ҳам юқоридаги каби талаблар қўйилган. Улар тақдим этган сценарийлар билан танишиб, ўзимизнинг халиф фикр-мулоҳазаларимизни билдираёلمиз. Яқинда эксперт комиссиясининг низомига фильмларда адабий тил нормаларига риоя қилиш борасида кўшимча бандлар киритилди. Чунки ҳаммамизга маълумки, кейинги пайтларда аксарият ҳолларда хусусий киностудияларда тасвирга олинган фильмларда шевачилик, жаргон сўзларни ишлатиш авж олиб кетди. Яъни, кўча тили кино тилига айлана бошлади. Бу кўнгилсиз ҳолатни қандай оқлаш мумкин? Охир оқибатда кейинги пайтларда кўпчилик мухлислар, зиёлилар бу масалада ўзларининг жиддий эътирозларини ҳам билдиришяпти. Нафақат сценарийда, балки фильмга овоз бериш жараёнида ҳам бунга қатъий риоя қилиш бўйича оғохлантириш хатлари, таклифлар киритилди.

— **Бизда баъзан киноларни "кассабоп" ва "фақат хос одамларга мўлжалланган" деб ажратиб ўқиб туради. Аюб ака, айтинг-чи, сизнингча, ҳам юксак санъат талабларига ҳам берадиган, ҳам барча қизиқиб томоша қиладиган фильмларни ишлаш мушкулми?**

А. Шаҳобиддинов: — Биласизми, баъзан катта маблағ, жуда кенг актёрлар гуруҳини жалб қилиб ҳам зўр кино ололмастик мумкин. Ёки аксинча, мураккаб шароитда, арзимаган маблағ билан ҳам яхшигина асар пайдо бўлиши мумкин. Энг муҳими,

ҳақда жиддий бош қотиришимиз, ҳарқат қилишимиз керак. Лекин шу ўринда режиссёрларни кўпроқ ўйлантираётган муаммо яъни профессионал, малакали киносценарийчилар етишмаётганлигини ҳам айтиб ўтишим керак. Тўғри, айни пайтда турли студияларда тажрибаси кам, ҳаваскорлар томонидан ёзилган сценарийлар асосида юқорида сиз айтган "кассабоп" фильмлар ҳам суратга олинган, катта эҳтирозларда намойиш этиляпти. Лекин барибир оддий бир ҳақиқатни ҳам унутмаслик керакки, ўткинчи ва фақат пул топиш илинжида ишланган асарларнинг умри қисқа.

— **Ушбу саволим иккинчига ҳам тегишли. Кўпгина тарихий, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган киноларда ўтмиш лавҳалари, либослар, қишлоқ-шаҳар урф одатлари, эркак аёл муносабатлари ва оид саҳналарнинг ўта суъний чикқани, бир-бирига "ёпишмаганини" ҳам кузатиляпти. Бунинг сабаби нимада: режиссёрнинг уқувсизлигидми, эринчоклигидми, ё ҳаётни яхши билмаслигидми?**

А. Шаҳобиддинов: — Танглики кинорежиссёрлардан бири бундайларни "асфальтбор режиссёрлар" деб атаган эди. Яъни, бу ибора фақат шаҳарнинг равон ва тоза кўчаларидан юрган, шаҳар транспортидан фойдаланган, қишлоқ ҳаётдан мулҳоқ беҳабар режиссёрлар ҳақида айтилган. Бундайлар энди, яшириб нима қилмасиз, бизда ҳам бор. Улар шундай муҳитда ўсган, ўқиган, савияси, даражаси шу, оқибатда фақат ўз қобилигига ўралиб юраверади. Профессонал режиссёр нафақат мавзунини ўрганиши, айни пайтда архивдан фойдалана билиши, ҳужжатлар билан ишлаш

МАВЗУ
олиши ва кўп ўрганиши, ўқиши керак.

Ф. Шермухаммедов: — Маълумки, дунёда кино ҳеч қачон тор доира учун мўлжаллаб ишланмайди. Уни қанча кўп томошабин кўрса, маънавий озиқа олса, нуфузи шунча ошади. Масалан, ўзимизда ишланган киноларни фақат ўзбек томошабини кўрарверса, бунинг кимга қизиги бор? Шу маънода ҳар бир фильмда халқимизнинг характери, турмуш тарзи, маданияти, ҳатто қандай йиғлаши-ю, қандай қулиши, яхши ёки ёмон қуриши, қандай севги изҳор қилиши, хуллас, ҳеч кимга ўхшамайдиган ўзига ҳос жиҳатларини қамраб олол-саккина, ҳақли эътирофга сазовор бўлаёмиз. Ҳозир икки ёшнинг "ўлдим-куйдим"лари орқали оёру топадиган замон эмас, мақсадни каттароқ олиш керак. Халқимизнинг ҳар қандай манаман деган кино асарларига мавзу бўлгули очилмаган кирралари, сир-синаотлари, ҳазиналари жуда кўп.

— **Кейинги пайтларда киноларимизда ҳақиқий ўзбек аёлининг, онасининг обрўсига соя соладиган айрим салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланыпти. Масалан, жиззаки, шаддод, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган золим она ё қайнона, ёки доим маҳзун, жабрдийда, муштипар аёл образларини кўраёلمиз. Ахир, Марям Ёқубова, Зайнаб Садриева, Лутфихоним Саримсоқова, Икромма Болтаева каби актрисаларимиз роль ўйнаганда, ҳар бир ўзбек томошабини қалбиди шу қаҳрамонлар орқали ўзбек аёлига нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор ортган. Ҳар ишда тадбирли, бироз кибор, сабр-тоқатли, аммо ўзининг аёллигига-ю, мунис ва муштипар оналигини унутмаган тимсолларни яратишга қодир бўлган актрисалар ҳозир ҳам кўп-ку?**

Ф. Шермухаммедов: — Очиги, мен ҳам шу ҳақда кўп ўйлайман. Яхши, иқтидорли актрисаларимиз бор. Лекин менинг назаримда, тўлақонли она сиймосини очиб берадиган асарлар камга ўхшайди. Ўзимдан қўёб, бирор унчи асар қўлимга тушиб қолгудек бўлса, дарров кино бўлишга аризиқман, деган мақсад билан кўз югуртирмаман. Ҳақиқатан ҳам ўзбек аёлининг қалби, ички дунёси, дардини очиб берадиган образ топиш осон эмас. Бу ҳам, шу, ўзбек аёлининг характерини билмаслигимиздан бўлса керак, деб ўйлайман. Яқинда ёзувчи Зулфия Қуролбой қизининг "Ёзсиз йил" деган ҳикоясини ўқиб қолдим ва бу асардаги она образи мени жуда ҳам таъсирлантириб қўйди. Шунинг учун шу ҳикояни таниқли кинорежиссёрлардан бирига тавсия этдим. Зора, яна бир яхши фильм ишланса...

А. Шаҳобиддинов: — Мен учун қандай она, қанқая аёл образини фарқлаш эмас, балки бу ролни ким яратаётгани муҳимроқ. Чунки ҳар бир режиссёрнинг аёл, она образига нисбатан қарашли турлича. Кинода талқин этилаётгани билан ҳаётдагисининг ўртасида еру осмонча фарқ бўлиши мумкин-ку! Шундай экан, киноижодкорлар муҳаббат ва нафрат чегарасида ҳар доим тарозининг палласини тенг ушлаши керак.

Шаҳноза РОФИЕВА сўхбатлашди.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

МУСТАҚИЛ ҲАЁТНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

Тошкент иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтган тантанали тадбирда битирувчиларга тақдим этилаётган диплом мустақил ҳаётнинг олтин калитига мөнғ-задди. Чиндан ҳам, диплом ўқувчининг фақат ўрта-маҳсус таълим олганини эмас, шу билан бирга, бирор керакли касб-хунар эгаллаганини ҳам тасдиқловчи ҳужжатдир. Тадбирда иштирок этган Республика ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими маркази бўлим бошлиғи Жамолхон Шосалимов таъбири билан айтилганда, ёшларга диплом тими солида катта ҳаёт сари йўлларна, қолаверса, яшши яшаш тарзи ҳам берилаяпти. Зеро, уч йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълими шунга йўналтирилган.

Мамлакатимизда 1997 йили кенг қўламдаги таълим ислохотлари бошланган бўлса, мана, орадан 12-13 йиллик вақт ўтди. Бу муддат ичида республикада ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг яхлит бир тизими яратилди. Бир пайтлар 8-синф битирувчиларининг 27 фоизига маҳсус билим юрталарига жалб этилар эди. Ҳозирги кунда эса 99 фоиз ўқувчилар тахсилни ўрта маҳсус таълим муассасасларида давом эттириши учун имконият яратилган. Жорий йил фақат чекка-чекка кишлоқларда яшовчи 8 минг атрофидаги ўқувчилар учун 10-синф очилиши

режалаштириляпти. Тахминан 600 минг 9-синф битирувчисининг қолган қисми сентябрь ойидан лицей ва коллежларда ўқий бошлайди. Жумладан, Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган 39 мингга яқин битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш учун барча шарт-шароитлар етарли. Демак, улар 18-19 ёшида оддийгина битирувчи эмас, балки бир йўналишда чуқурлаштирилган таълим олган, тайинли касб-хунарни эгаллаган, мустақил ҳаёт учун тайёр йигит-қизлар бўлишади.

Юртимизда таълим соҳасига берилётган эътибордан Тошкент иқтисодиёт коллежи ҳам бебаҳра қолмаган. Билим даргоҳи 2009 йил сентябр ойида тўлиқ таъмирланган, замонавий моддий-техник база билан таъминланган бинода ўз фаолиятини бошлади. Табиийки, бу ўқитувчиларнинг ўқитишга, ўқувчиларнинг ўқишга бўлган иштиёқни янада кучайтирди. Мана, бугун тўқис шарт-шароитда таҳсил олган ўқувчилар авлодининг илк қалдирғочлари мустақил ҳаётга учирма қилинмоқда. Улар келажакда тўрт йўналиш бўйича — банк иши, молия, бухгалтерия, халқаро бизнес соҳаларида хизмат қилишади. 566 нафар коллеж битирувчисининг 115 нафарига имтиёзли диплом топ-



ширилди. Таълим муассасаси маъмурияти томонидан энг кўп шундай иқтидорли ўқувчилар чиқарган "Бухгалтерия-17" гуруҳи (13 та) ва "Банк иши-33" гуруҳи (9 та) ўқитувчиларига алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Шу ўринда ўз-ўзидан бир савол туғилади: битирувчиларнинг кейинги фаолияти қандай кечади. Бу билан қизиқияптими? Саволимизга коллеж директорининг ўқув-ишлаб чиқариш (касбий таълим) бўйича ўринбосари Ҳанифа Икромова шундай жавоб бери:

— Битирувчиларимизнинг кўпчилиги олий ўқув юрталарига ҳужжат топширмоқчи. Кириш имтиҳонларидан ўтолмаганлар-

ни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Меҳнат ярмаркаларида ўқувчиларимиз шу йўналишдаги ташкилотлар билан шартнома имзолашган. Ҳали коллеж дипломини қўлга олмасдан иши тайин ўқувчиларимиз ҳам бор. Масалан, Моҳира Шоқодирова ўқув-амалиёти давридаёқ очик акциядорлик "Туронбанк" маъмурияти эътиборига тушган ва

ишга тақлиф этилган эди. Тайёрланаётган мутахассисларимиз тезда жамиятда ўз ўрнини топиб кетиши бизни қувонтиради, албатта.

Тадбирда иш берувчи ташкилотлар номидан иштирок этаётган Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали кадрлар бўлими бошлиғи Фотима Раҳимова ҳам коллеж директори ўринбосари сўзларини тасдиқлаб, жумладан, шундай дейди:

— Яқинда пойтахтимизда катта меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда ҳар бир туман филиалимиз банк иши йўналишини битирган 10 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилиш учун номзод сифатида ёзиб олган. Улар бир ой давомида синолда ўйлашди. Кейин суҳбатдан муваффақиятли ўтгач, баъқда иш бошлайдилар. Акс ҳолда, яна бир ой вақт берилади. Коллеж ўқувчилари ўз қобилият ва интилишларига қараб, бизнинг тизимимизда етакчи мутахассис лавозимига ишлаши мумкин.

Ҳа, билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллаган, ўз соҳасининг эгаси бўлган битирувчилар ишсиз қолмаслиги табиий.

3 июль кунини фақат Тошкент иқтисодиёт коллежиде эмас, балки юртимиздаги барча ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими даргоҳларида битирувчиларга диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтди. Демак, ўша кунини 400 мингдан ошиб ёшларимиз мустақил ҳаётнинг олтин калитига эга бўлишди. Ундан қандай фойдаланиш эса ўзларига боғлиқ.

Фаррух ЖАББОРОВ,
"Оила ва жамият"
мухбири



ДУДАМА — Бу сўз асосан, пичоққа нисбатан ишлатилиб, у «икки ён томонида тиғи бор» деган маънони англатади. «Пичоқнинг дами» деган иборани кўп эшитамиз. Бу иборадаги «дам» сўзи тиғ маъносини ифода қилиб, «дудам» — икки дами, икки тиғли деганидир.

ТИЛИНИ ЧИҚАРИБ ТИШЛАБ, ДУДАМА ПИЧОҒИ БИЛАН НОВАДИ БУТАЙ БОШЛАДИ.

Шукр Холмирзаевнинг
«Бодом қишда гуллади»
хикоясидан.

РОЛЬ — Биз бу сўзни асосан артистлар ижро этадиган роль ёки кишининг тутган ўрни, мавқеи маъносини тушунашимиз. Холбуки, «роль» сўзининг туб маъноси бутунлай ўзгача, яъни «роль» французча сўз бўлиб, «ўрама қозғонинг биринчи бети, рўйхат» деган маънони билдиради.

Бош ролда чиқадиغان атоқли артистка парда четини кўтариб, залга мўраллади.

Сайд Аҳмад

ВАСИҚА — Бу сўз адабий асарларимизда кўп ишлатилади. Аслида, у арабча сўз бўлиб, «ҳужжат, шаҳодат» деган маъноларни англатади. Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Туркистонда ермулк олди-сотдиси тўғрисида тузилган ҳужжат «васиқа» деб номланган.

Сотувчи ва оловчи ўзаро келишнларидан кейин... қозихонага бориб, васиқа қилиб, қозикалонга тегилли мухронани бериб, муҳр бостирганлар.

Садриддин Айнийнинг
«Эсдаликлар» асарининг
Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.



Мамлакатимизнинг деярли барча умумтаълим мактабларида сўнги кўнғироклар чалинган, қолаверса, аксарият ўқувчилар ёзги дам олиш мавсумини кўнғилли ўтказаятган бўлсалар-да, лекин ўқитувчилар ўз таътилларида шошилишмаяпти.

— Одатдагидек, бизда ҳам ҳозирданок янги ўқув йилига тайёргарлик бошланиб кетди, — дейди **пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 231-умумтаълим мактаби чизмачилик фани ўқитувчиси Замира АСКАРОВА**. — Дам олиш ўз йўлига, аммо иқтидорли болалар билан ижодий машғулотлар ўтказишни тўхтатмаймиз.

Очигини айтганда, ўқитувчи халқи уйда ҳам, кўча-кўйда ҳам, энг аввало, ўз шогирдларини, кадрдон мактабини ўйлайди. Демак, уларнинг фаолияти йил мобайнида давом этаверади.

Сукрот «Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва ифбат пардасига ўралганидир», деганда минг бора ҳақдир. Қиз бола ўзининг зийраклиги, ифати, андишаси, хуш муомаласи, бегубор табассуми, мулоим кулгуси билан дилдор.

Зийраклик — қиз бола табиатига хос, ярашиқлик бўлиб, унинг қадрини оширади, атрофидагиларда эътибор, яхши фикр уйғотади. Зийраклик — суҳбатдошининг кўнғилдагини пайқамок, кўнғил гашлигининг олдини олмак, вазиятга қараб иш тутмоқликдир. Ўзининг илтифоти, муомала муносабати, хатти-ҳаракати билан бировларга шодлик улашмоқликдир. Айниқса, қиз бола «Хўп бўлади», «Жоним билан», «Лаббай», «Хуш келибсиз», «Ҳозир», «Кечирасиз» деган самимий илтифоти билан одамлар қалбига илтиқлик, меҳр олиб киради. Зийрак қиз ота-онага раҳмат ёғдиради.

Қиз бола ўзгалардан ҳурмат талаб қилишдан олдин бошқаларни ҳурмат қилиши, бегоналар олдида ўз қадр-қимматини сақлай билиши лозим. Ҳаммининг эътиборини жалб қилишга

интилиш одобдан эмас. Бамаъни қиз доимо ўзини содда, сипо тутади, поклик ва покизаликка интилади. Ҳар бир қадамини ўйлаб босади.

Андиша бу — ўзаро муноса-



батда муайян меъёрдан чиқиб кетмасликдир. Жаҳл чиққанда ўзини боса олиш, ўйлаб гапириш, фаҳм-фаросат билан иш туттиқдир.

Ифбат бу — нафсини гуноҳ ва бузуқ ишлардан сақламоқлик, қалбни, виждонни поклаб, тилни ёлгон, гийбат, бўҳтон каби ёмон сўзлардан тиймоқликдир. Сўзида, феълда собит бўлиб, виждонга терс, инсонга ярашмаган муомаладан ҳазар қилишга ўрганиш лозимлигини донолар алоҳида таъкидлайдилар.

Ёши улғайиб қолган аёлларнинг калта, тор куйлак киймоғи қанчалик бачкана қўринса, ёш қизларнинг ҳам ялтироқ, қимматбахо либосларда юриши, ортиқча пардоз-андоз қилиши, зёб-зийнатга берилиши шунча галати ва хунқудир. Қиз бола доим ўзига қараб юриши, озо-

да, бежирим, дид билан қадди қомати, фаслга мос кийиниши, соч-тирноқларни ораста, тартибли қилиб юриши мақсадга мувофиқдир.

Шарқ ривоятларидан бирида она турмушга чиқаётган қизига шундай маслаҳат беради:

— Эй қизим, сен ўз ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга бораяпсан. Сен бўлажак куёвинингнинг ҳамма феъл-атворларини билмайсан. Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен шундай йўл тут: унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шиғоли ёмғири билан ерни кўқартиргани каби у ҳам ўзининг меҳру шафқати билан сени хушнуд этади...

Қизим, куёвингдан кучи етмаган ва сотиб олишга имкони бўлмаган нарсаларни талаб

ҚИЗИМ, СЕНГА АЙТАМАН...

ГАР ЕР БЎЛСАНГ, У ОСМОН БЎЛУР

қилма. Бундай қилсанг, оиладаги тотувлик йўқолади, турли жанжаллар келиб чиқади. Ўзингга хушбўй нарсалар билан оро бер, нохуш ҳудларинг эр доимоги киришининг олдини ол. Показалик ҳаммаша йўлдошин бўлсин. Эрингнинг яқин кишиларини, қайнота-қайнонанингни ҳурмат қил, ака-ука, опа-сингилларини ўз хижраларингдай кўр. Эринг ишга кетишга отланса, ҳамма нарсасини тайёрлаб, хурсандчилик билан кузатиб қўй, ишдан қайтганда эса очик чехра билан қарши ол. Болаларингни яхши тарбиялаб ўстир, яхши хулқларга одатлантир.

Қиссадан ҳисса шуки, оиламизда умид билан тарбиялаётган, ўстираётган қизимизни катта ҳаёт остонасига қузатаётганимизда ҳеч қачон юзимиз қизармасин. Ҳар биримизга «Отасига минг раҳмат, онасига тасанно» деган самимий миннатдорчилик сўзларини эшитиш насиб этсин.

Ойша ТўРАЕВА,
педагогика фанлари
номзоди, профессор.

СОҒЛИҒИНГ-БОЙЛИГИНГ


Ҳисоб-китобларга қараганда, чекиш натижасида инсон умри 12 йилгача қисқарар экан. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра 2030 йилга бориб, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида дунё бўйича бир йилда 10 миллионга яқин одам ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Яъни ҳар 10 ўлимдан 7 таси айнан тамаки маҳсулотларини мунтазам чекиш орқали юз бераркан. Нақадар таъшишли рақамлар, шундай эмасми?

Тамаки маҳсулотлари ҳақида гап кетганда, одатда, сигарета ва унинг инсон соғлиғига зарари

кейинчалик ҳимоя реакцияси сустлашади. Организм нос таъсирига ўрганиб, унга руҳий қарам бўлиб қолади.

— Саккиз-тўққиз ёшимдан бери чекаман, — дейди Қобил исмли танишим. — Яқинда нос чекканимдан кейин бошим айлана-б, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Ҳайрон бўлиб, сабабини билиш учун нос сўтган кишининг олдига бордим. Сотилаётган носнинг ичини текшириб кўрганамда ичидан бир дона бутун аналгин таблеткаси чиқди. Маълум бўлишича, носфуруш акаимиз «зўр кашфиёт» қилибди. Одамларга шифо улашиш учун (заҳарлаш учун) носга муддати ўтиб кетган

БИР ОТИМ ЗАҲАР



бош оғриғига қарши дориларни ҳам қўшиб юборар экан.

Маълумотларга қараганда, 8 фоизгача аҳоли тамаки маҳсулотларини 16 ёшгача татиб кўради. Нос чекиш ҳолатлари одатда қишлоқ (ҳозирги пайтда шаҳарларда ҳам) ша-роитида кўп учрайди. Аммо аҳолининг аксарият қисми носнинг зарари ҳақида ҳеч нарса билмайди. Кўпчилик ёшлар қизиқишдан, катталарга тақдидан нос чека бошлаганини таъкидлайди. Шубҳасиз, ҳар куни отаси нос капалайдиган болақай, албатта, уни нима эканига қизиқиб, чекиб кўради-да.

Уйлаб кўринг, бир кунда битта одам 20 граммдан 50 граммгача нос чекаркан. Унинг таркибидоғи заҳарли моддаларнинг қанчаси инсон организмга сўрилади, қанчаси атроф-муҳитни булғайди. Қолаверса, қанчадан қанча кишилар энг бебаҳо неъмат — ўз соғлиғини йўқотиб, касалхоналарда шифтга термулиб ётишга, толган-тутганини сарфлашга мажбур бўладилар. Аммо йўқотилган соғлиқни осонгина тиклашнинг ҳеч бир илоҳи йўқ. Бир ижодкор дўстим ўзининг кундалиқларида нос чекадиганларнинг бефаросатларча тўғри келган жойга тушуриб кетиши ҳақида мулоҳаза юритар экан, бу ҳолатни ер юзига урилган «яшил шапалоқ»қа қиёслаган эди. Дарҳақиқат, кўча-кўйда бунга ўзимсиз ҳам тез-тез гувоҳ бўлиб турамыз.

... Нос таркибининг асосини майдаланган тамаки ҳосил қилади. Масалан, мен носни ўзим уйда тайёрлайман. Рангини чиройли қилиш учун тут ёки бошқа дарахнинг баргини қури-тиб, янчи аралаштирмаман. Бундан ташқари, унга сўндирилган оҳак, қул, елим ва ўсимлик мойи қўшилади.

Бу — ўзини Дилшод деб таништирган нос сотувчи йигитнинг иқрори. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бу моддаларнинг ичида ўсимлик мойидан бошқа қайси модда заҳарли эмас?

Маълумотларга қараганда, оғиз бўшлиғи ва томоқ рақининг ҳам саксон фоизи узок вақт давомида нос чекиш оқибатидан келиб чиқади. Бундан ташқари, тишлар сарғайиб, кўкмирт тус олиб емирилади, оғиз бўшлиғи сўлак қопламаси ва ошқозон-ичак тизими бузилиб, ошқозон яраси пайдо бўлади.

Носни илк марта чекканда никотин, оҳак каби заҳарли моддалар таъсирига нисбатан одам организмнинг ҳимоя реакцияси пайдо бўлади. Кўнгли айни-ди, қусадди, боши айланади, юрак уриши тезлашади, совуқ тер босади. Маст одамдек гандирақлайди. Бундай ёқимсиз ҳолатнинг юзига келиши туфайли, кўпчилик ўсириллар бу зарарли одатдан воз кечади. Аммо

АСАБНИ АСРАНГ!

«Ҳурматли таҳририят! Мен газетанинг ҳар бир сонидида мунтазам чоп этилаётган «Doktor-D» маслухатларини ўқияпман. Айниқса биз эркаклар учун ниҳоятда зарур ва фойдали йўл-йўриқ, тиббий тавсиялари кўпчиликка асқотди деб ўйлайман. Менинг ҳам бир нозик саволим бор: ёшим 57 да. Вазним юз килоча тош босади. Лекин негадир кейинги 4-5 йил орасида жинсий фаоллигим сустлашди. Бунинг сабаби нимада экан?»

ҚАМБАРАЛИ

Ушбу саволни бераётган дўстимизни қийнаётган муаммо бугунги кунда дунё миқёсида оладиган бўлсақ, бу ниҳоятда жиддий ва таъшишли тус олаётти. Яъни «кучли жинс» вакиллари ўртасида жинсий майлнинг пасайиши, сустлашуви йилдан йилга глобал муаммога айланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига таянганда бўлсақ, бу касаллик ҳозирда ҳар уч эркакнинг бирида учрамоқда. Куйида эса ана шу

DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод Эргашев жавоб беради:

муаммога сабаб бўлаётган айрим омилларни санаб ўтишни лозим топдик:

1. Камҳаракатлилиқ, жисмоний меҳнат ва спорт билан шугулланмаслик.
2. Меъёрдан ортиқ овқатланиш.
3. Умумий гигиена талабларига риоя қилмаслик.
4. Шахсий ҳаёт ҳамда жинсий фаолиятдан қониқмаслик.
5. Дардини ичга ютиб, фақат ўз ташвишлари билан ўралашиб қолиш, умр йўлдошига беахтарлик ва эҳтироснинг сустлашуви.
6. «Қорин қўйиш», танада меъёрдан ортиқ ёғларнинг пайдо бўлиши.
7. Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, кашандалик.
8. Ҳам жисман, ҳам руҳан жинсий фаолиятдан ҳадиксираш, кўрқув.


Бир мутахассис сифатида

Бу борада бизнинг «DOCTOR-D» ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муложалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57).

E-mail: hospital@doctord.uz.

URL: http://www.doctord.uz

(1)



айтишим мумкинки, аксарият ҳолларда жинсий майли суст эркаклар тушқун, лоқайд, асабий, маънос бўлиб қоладилар. Буларнинг барчаси охири оқибатда асаб тизими билан боғлиқ турли касалликларини келтириб чиқаради. Чунки жинсий заифлик (импотенция)нинг асосий томири — бош миаянинг тубидадир. Маслаҳатим, асабни асрайлик!

ХАФАҚОНДАН ЭМАС, ўзингиздан хафа бўлинг

Одатда меъёрдаги қон босими 140 га 90 кўрсаткич атрофида ва ундан сал камроқ бўлади. Қон босими турли хил сабабларга кўра кўтарилиши ёки пасайиши мумкин, бу тана ҳолатига маълум даражада таъсир қилади. Агар киши ҳаяжонланса, хафа бўлса, қон босими ошади, аммо бироздан сўнг яна меъёрига тушади. Лекин баъзиларда узок вақт давомида аслига қайтмайди, бу эса хафақон, яъни гипертония касаллигидан далолат беради.

«ИНДАМАС ҚОТИЛ»

Хафақон касаллиги ёши ва жинсидан қатъи назар, ҳар қандай одамда пайдо бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда (95%) хафақон касаллигининг келиб чиқиши сабаблари аниқ бўлмайди ва белгилари кузатишмайди. Ёши катта одамлар ва буйрак ёки қанд касалиги билан оғриган кишиларда бу дардга дучор бўлиш эҳтимоли юқори.

Хафақон касаллиги кўп ҳолларда бир умр давом этади. Беморлар доим дори-дармон ичиб юриши лозим бўлади. Шунинг учун, энг яхшиси, касалликнинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш керак.

Кўпчилик ўзида хафақон касаллиги борлигини бир неча йиллар давомида билмайди. Шунинг учун бўлса керак, бу хасталикни «Индамас қотил» деб ҳам аташади. Хафақон касаллиги борми-йўқми, билиш учун қон босимини назорат қилиб туриш керак. Қон босимини ўлчаш жуда осон. Фақат шифокорга вақтида учраб, ўзингизни текшириб турсангиз қифоя.

Хафақон касаллигини аниқлаш учун шифокор беморни тўрт hafta ичида 2-3 марта текшириши лозим. Ҳар борганда қон босими 2 марта ўлчанади. Барча натижалар меъёрдан (140 га 90 ўлчовида) юқори бўлса, хафақон касаллиги ташхиси қўйилди ва зарур дори-дармонлар буюрилади. Аммо...

Дорисиз ҳам даволаш мумкин

Хафақон касаллиги билан оғриган одамлар қон босимини фақат ўзларини нохуш сезган пайтдагина эмас, мунтазам равишда назорат қилиб туришлари керак. Агар хасталикнинг энгил тури бўлса, яъни қон босими 160/100 билан 179/109 орасида бўлса, шифокор беморга соғлом турмуш тарзига асосланган дорисиз даволашни тавсия

қилиши мумкин:

- Овқатлардаги кундалиқ туз миқдори 1 чой-қошиқдан ошмаслиги лозим.
- Овқатга ўсимлик ёғидан ишлатинг. Сарийёғ, қаймоқ, қанд ва шоколад каби маҳсулотларни кўп еманг.
- Кунига 3-4 дона мева ёки сабзавот еб туринг.
- Спиртли ичимликлар ичиш мумкин эмас.
- Оғир иш ва асаб бузилишидан, семириб кетишдан сақланинг, вақтида дам олинг, етарлича ухланг.
- Озиш ва асабларни бўшатиш учун спорт билан мунтазам шугулланг. Кексалар учун энг яхши жисмоний машқ ҳар куни очик ҳавода сайр қилишидир.
- Чекман! Чекиш қон босимининг кўтарилишига сабаб бўлмаса-да, инсултул ва юрак хуржунини келтириб чиқаради.

ТАБЛЕТКА ФЙДАЛИРОҚ

Шу тавсияларга амал қилсангиз-у, қон босими ҳали ҳам баланд бўлса, дорилар ичишга тўғри келади. Агар дорилар ичиб, соғлом турмуш тарзига амал қилсангиз, бора-бора дори-дармонларни қайтариш мумкин.

Қон босимини мунтазам назорат қилиб туриш учун таблеткалар ҳам худди инъекциялардек (уколлардек) бир хил самара беради. Лекин кўпчилик беморлар уколни афзал билади. Аслида, бу унчалик тўғри эмас. Чунки таблеткаларни истаган жойингизда — уйда, кўча-кўйда, ишхона ёки сафарда ҳам ичса бўлаверади. Шифокор беморни яхшилаб текшириб, қандай таблеткалар ичиш кераклигини белгилайди. Таблеткаларни шифокор тўхтатмагунча ичиб туриш керак. Демак, куйидагиларни доим ёдда тутинг:

— Хафақон касаллиги дастлаб зимдан ривожланади.

— У қон томирларга аста-секин зарар етказиб боради.

— Бемор дори-дармонларни фақат ўзини ёмон ҳис қилганда ёки боши оғриганда эмас, балки мунтазам ичиб туриши лозим.

Шароф ҚОСИМОВ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институт доценти.

BOLALAR-DUNYOSI

✓ **IBRAT OLING**

O'N MEDAL SOHIBI

Hasan Valiyev 1996-yil 11-avgustda Toshkent shahrida tug'ilgan. Uchtempa tumanidagi 203-maktabning 8-sinf o'quvchisi.

Olti yildan beri kikkoksing bilan shug'ullanib keladi. Hozirda Chilonzor tumanidagi 126-maktab qoshida tashkil etilgan "Kickfighter" klubi a'zosi.

— Haftada 3 marta mashg'ulot o'tkazamiz, deydi u. — Klubimizdagi kichik va katta yoshli bolalar guruhlari 60 nafar sportchi shug'ullanadi. Respublika va xalqaro miqyosda o'tkaziladigan turnirlarda muntazam ishtirok etib kelamiz. 2008 yili Qozog'istonda bo'lib o'tgan musobaqada jamoamiz faxrli ikkinchi o'rinni egalladi. O'zim esa bugungacha o'nta medalni qo'lga

kiritganman. Ilk yutug'im men uchun juda qadri: 3-sinfda respublika birinchiidaga 35 kg vazn bo'yicha oltin medalga sazovor bo'lganman. O'tgan yili ham "Kickfighter" professional sport klubi sovrini musobaqasida muvaffaqiyatli ishtirok etib, birinchi o'rinni egalladim. Kelajakda maktabni a'lo baholarga tamomlab, o'qishni oliy o'quv yurtida ham davom ettirmoqchiman. O'z oldimga Osiyo va jahon chempioni bo'lish maqsadini ham qo'yanman. Unga erishish uchun Ustozim bilan ko'plab yangi taktikalar ustida ishlab, mahoratimni oshirib borayapman.

Mahmudjon AZIMOV
yozib oldi.



Yo'q, men qo'rqqoq askar bo'lmayman. Faqat, muallimimiz ertalabgiday har oy bizga bitta erak aytib bersa, maktabga o'z xohishim bilan boraman. Ustoz o'rnak olishimiz uchun bolalarning ijobiy xususiyatlari haqida har oy bittadan hikoya so'zlab berishini aytdi. Bugungi hikoyamizning nomi "Podavalik kichik vatanparvar".

Ichida fransuzlar, italyanlar va shvetslar bo'lgan fransuz kemasi Barselonadan Genuyaga ketardi. Atrofdagilarning xunuk va qo'pol nigohlari bilan tez-tez to'qnashayotgan o'n bir yashar parishonxotir bolakayning olomon ichida ajralib qotgani kishi diqqatini tortardi. Uning odamlarga bunday yomon qarashiga haqi bordir!

Podavaning kambag'al qishloqlarida yashagan ota-onasi bolakayni ikki yil oldin o'zgina pul evaziga chayqovchilik kompaniyasiga berishgan. O'z hunarlarini kaltak va haqorat bilan o'rgatgan pastkash kompaniya bechorani yarim och, yarim yalang'och, itdan battar qilib Fransiyaga, undan keyin Ispaniyaga sudradi. Barselonaga borganlarida bu qadar yo'qsil va tuban bir hayotga chiday olmagani bolaning xayoliga Italiya elchisiga uchrashish fikri keldi. Elchi achinganidan uni Genuyaga boradigan kemaga mindirdi-da, qo'lga Genuya hokimiga yozilgan, uni ozroq pul evaziga quldek, hayvon kabi sotgan oilasiga qaytarilishi iltimos qilingan bir maktubni berdi.

Bechora bolaning kiyimlari janda bo'lib ketgandi. Yo'lovchilar uni gapga solish uchun har xil savollar berishar, lekin u hech qanday so'roqlarga javob qaytarmas, bu dunyoga nafratlanganday boqardi. Yo'qsillik va muhitning yomon munosabati qalbiga badbin tuyg'ular urug'ini qadagan edi. Shunday bo'lsa-da, bola uch yo'lovchiga yarim italyanacha, yarim ispancha va fransuzcha bir necha so'z bilan

boshidan o'tganlarni tushuntirdi. Bu uch yo'lovchi bechora bolaning ayanchli ahvolini tushungan bo'lishdi. Biroz achinganlari va biroz mast bo'lganlari bois yana gapirtirish umidida unga bir ikki chaqa berishdi.

Shu payt kayutaga bir necha ayol kirib keldi. Boyagi erkaklar nozaninlar oldida o'zlarini ko'rsatib qo'yish uchun: "Ol buni, shuni ham ol"; deya stol ustiga pul tashlashdi. Bola ularni cho'ntagiga soldida, qishloqliklarga hos samimiy kulimsirab,

Edmondo de AMICHIS,
Italiya bolalar yozuvchisi

PODAVALIK YOSH VATANPARVAR

(hikoya)




qilishdan afzal ko'rishini, ikkinchisi Italiyada yolg'onchi, talonchi odamlardan boshqasini uchratmagani aytdi. Uchinchisi esa gapiga davlat xodimlarining savodsizligini ko'shib qo'ydi. Birinchi "Tartibsiz!" deb sherigining gapini ma'qullagan bo'ldi. Uchinchisi ham "O'g'ni!" deya baqirarkan, gapini tugatmasdan oq va sariq tangalar stolga unilib jaranglab, yo'lovchilarning ustiga yog'ildi. Ular tangalarning qayerdan kelganini bilish maqsadida joylaridan sakrab turayotib, ikkinchi pul yomg'iriga tutildilar.

Yosh podavalik bolakay pardani ochib baqirdi:

— Olinglar! Pullaring o'zlaringga buyursin. Vatanimni haqorat qilganlarning xayr-ehsonini zor emasman.

Farrux HASAN o'g'li
tarjimasi



KO'NGLIM TO'Q

Rasm darsida ustoz,
Filni chiz, deb qoldilar.
Tanaffusda rasmini
Yig'ishtirib oldilar.

Qulog'idan ko'nglim to'q,
Oyoqlari o'xshadi.
Ko'zi-chi, ko'zi biroq
Bir-biriga to'qnashdi.

Xartumini aytam gar,
G'irt o'xshaydi tuyoqqa.
O'qituvchim buni ko'rib,
— Kel-chi, — dedi, buyoqqa.

Bu nima o'zi, qizim,
O'xshab qopti buzoqqa.
Shunday chizsang filni sen,
Borolmaysan uzoqqa.

— Ustoz meni kechiring,
Rasmga uquvim yo'q.
She'rmi so'rang, aytayin.
Xotiramdan ko'nglim to'q.

BOBOM HOVLISI

Bobomning hovlisi,
Juda chiroyli.
Kunduzi quyoshli,
Kechasi oyli.

Bir ariq suv oqar,
Hovlini kesib.
Yayrab o'ynaymiz,
Kulcha oqizib.

Olmaning shoxlari
Surga tegibdi.
Chiroyli olmalar
Oqib ketibdi...

Maftuna AHMADOVA,
Yakkabog' tumani.

Kamola
BAHRIDDINOVA,
Toshkent
shahridagi 6-
maktabning 9-«A»
sinf o'quvchisi



INSON QADRI

Umr o'tib ketar bizdan so'ramay,
Go'yo oqar suvdek bo'ysunmas sira.
Vaqtug'izni asrang har on, har damlar,
Umrning qadri biling, odamlar!

Kimdir har lahzadan samar olmoqda,
Kimdir hayotiga zahar solmoqda.
Bir so'z-la necha dil vayrona bo'lar,
Ko'ngilning qadri biling, odamlar!

Birov erisharmish dunyoda baxtga,
Boshqaning ko'zlari — mol-davlat, taxtda.
Lek siz unutmang hech insonligingiz,
Olamning qadri biling, odamlar!

QIZLARGA

O'z bégimning qizlari,
Iboli har so'zlari.
Ori — osmon, siz qizlar,
Hurmati bor gul yuzlar.
Har ishda kerak sizlar,
Go'yo oyu yulduzlar.
Toleyingiz bog' bo'lsin,
Quloqlar gulga to'lsin.
Dilda faqat baxt usin —
Tog'lardan baland tursin!

ANTIQA BOSHQOTIRMA

Boshqotirmaning antiqaligi shundaki, agar savollarga to'g'ri javob topsangiz, kalit so'zlar chapdan o'ngga o'qilsa ham, o'ngdan chapga o'qilsa ham, bitta so'z kelib chiqishini bilib olasiz. Demak, boshladik.

1. Eng aziz ne'mat.
2. Romanning bir bo'lagi.
3. Ipak qurti uchun zarur daraxt.
4. Rang, osmon.
5. Og'a.
6. Poytaxtimizning qadimiy nomi.
7. Go'zallikni his qilish, ...-farosat.
8. Arab alifbosidagi harf.
9. Hayron.

Akbar SIDDIQOV,
O'zDSI talabasi

BILASIZMI?

► Fil qo'pol, ammo ancha chaqqon va harakatchan bo'ladi. U soatiga 20 km tezlik bilan yugura oladi. Chanqaganida xartumiga 10 litrgacha suvni tortib olib, so'ngra og'ziga quyadi.

► Barcha yirik yirtqichlar orasida yuragi eng kichkinasi sherdir, lekin u eng qo'rqmas hayvon hisoblanadi.

► Jirafalarning faqat bo'yi emas, balki til ham uzunbo'lib, u 60 santimetrgacha yetishi mumkin.

► Amerika quyoningi quloqlari juda uzun, badanidagi suv shu quloqlari orqali bug'lanib, tanasini sovitadi, u soatiga 56 km tezlik bilan yugura oladi.

► Jayra cho'kishni xohlama ham uddalay olmaydi. Chunki ninalarining ichi havo bilan to'la bo'lib, bu uning cho'kishiga yo'l qo'ymaydi.

► Amazonka o'rmonlarida qichqiruvchi maymun yashaydi, uning ovozi 5 kilometrgacha eshitiladi.

► Boyo'g'lining bo'yini 270 darajagacha burala oladi, shu sababli ko'zlari qimirlamas ham, atrofidagi hamma narsani ko'rib turadi.

ДУШАНБА 12

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с
8.00 «Тахлинома»
8.45 - 9.45 «Мазнавият» дастури.

17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.15 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
18.55 «Менинг оилам».
19.30 «Ахборот». /рус/
20.05 Миллий сериал: «Мухаббатим қисматим».

YOSHILAR
6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби»
7.10 «Мультипанорама».

13.00 «Зулфия издошлари».
13.10 «Айланай».
13.30 «Санниқом ери». Б/ф.
15.00 «Келажак эгалари».
15.20 «Ижод мактаби».

TOSHKENT
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.40 «Эсмеральда». Т/с
9.15 «Кичкина малика». Б/ф.
10.40 «Болаликка қайтиб».

SPORT
7.15 Хабарлар.
7.25 Болалар майдончаси.
7.55 «Тренируемся вместе».

TV-MARKAZ
07.00 09.00 Ўзбек навалари
08.00 «Отанг билмасин»
09.30 «Топ-10»

nttl
06.30 Мумтоз навалар
07.15 «Ватан мадҳи»
07.30 «Парламент соати»
08.00 «Йўқотилган йиллар» т/с

СЕШАНБА 13

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с
7.50 «Тонги навалар».
8.00 «Ахборот».

17.15 «Яхшилар ёди».
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

YOSHILAR
6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби»
7.10 «Мультипанорама».

11.10 «Салом, ёшлар!»
11.50 «Кўнглиз боғи». Т/с.
12.40 «Ёшлик навалари».
13.00 «Давр».

TOSHKENT
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Карвонсарой».
8.40 «Эсмеральда». Т/с

SPORT
7.15 Хабарлар.
7.25 Болалар майдончаси.
8.00 «Олимп сари».

TV-MARKAZ
07.00 07.40 Ўзбек навалари
07.30 Prime time (рус)
08.00 «Отанг билмасин»

nttl
06.30 Мумтоз навалар
07.15 «Муслиқий лаҳзалар»
07.30 «Худуд»
08.00 «Йўқотилган йиллар» т/с

ЧОРШАНБА 14

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с
7.50 «Тонги навалар».
8.00 «Ахборот».

18.05 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
18.40 «Саломат бўлинг!»
19.00 «Радиога ташриф».

YOSHILAR
6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби»
7.10 «Мультипанорама».

13.30 «Император аёл». Т/с.
14.20 «Соғлик - бойлик».
14.40 «Ватанпарвар».

TOSHKENT
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Тошкент тароналари.
8.40 «Эсмеральда». Т/с

SPORT
7.15 Хабарлар.
7.25 Болалар майдончаси.
8.00 Баркамол авлод».

TV-MARKAZ
07.00 09.00 Ўзбек навалари
08.00 «Отанг билмасин»
09.30 «Завтра наступит сегодня»

nttl
06.30 Мумтоз навалар
07.15 «Муслиқий лаҳзалар»
07.30 «Худуд»
08.00 «Йўқотилган йиллар» т/с

ПАЙШАНБА 15

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с
7.50 «Тонги навалар».
8.00 «Ахборот».

11.50 «Ахборот». /инглиз/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 Миллий сериал: «Мухаббатим қисматим».

17.00 «Ахборот».
17.15 «Буюк аждодларимиз».
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

YOSHILAR
6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби»
7.10 «Мультипанорама».

12.40 «Ёшлик навалари».
13.00 «Давр».
13.30 «Император аёл».

nttl
06.30 Мумтоз навалар
07.15 «Муслиқий лаҳзалар»
07.30 «Худуд»
08.00 «Йўқотилган йиллар» т/с

TOSHKENT
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Тошкент тароналари.
8.40 «Эсмеральда». Т/с

14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Эсмеральда». Т/с.
15.45 «Тирки сайёра: Шерлар». Х/ф.
16.35 «Фан ва тараққиёт».
17.00 Миллий мультфильм: «Фаррух ва Зумрад».
17.15 Жаҳон мусикаси дурдонаси. «Ой нури сонатаси».
17.35 Миллий сериал: «Кирк тоғоранинг кирк ноғораси».
18.00 «Пойтахт».
18.25 «Кўнгил риштаси». Т/с
19.40 «Репортаж».
20.00 «Пойтахт».
20.45 «Инсон матонати». Т/с

21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.15 «Флешка». Х/ф.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
SPORT
7.15 ХАБАРЛАР.
7.25 Болалар майдончаси.
8.00 «Шихоат».
8.15 ХАБАРЛАР.
8.30 «Малахов +».
9.20 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. «Порту»-«Арсенал».
11.05 Академик эшкак

эшик. Жаҳон кубоги.
11.50 «ПроФРИНГ».
12.45 «Ливерпуль»нинг олтин даври. Хужжатли фильм.
13.05 Болалар майдончаси.
13.30 Велоспорт.
14.15 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. «Ал Ваҳда»-«Бунёдкор».
15.55 Автоспорт.
16.25 Футзал. Осиё чемпионати. 3 ўрин учун.
18.00 Болалар майдончаси.
18.25 «Военное дело».
18.45 ХАБАРЛАР.
19.05 Бокс. Халқаро турнир.
20.25 Ёнгил атлетика.

21.20 «Ливерпуль»нинг олтин даври. Хужжатли фильм.
21.45 ХАБАРЛАР.
22.05 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. «Штутгарт»-«Барселона».
23.45 Жума дастури анониси.
23.55 Тунги хабарлар.

TV-MARKAZ

07.00 07.40 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00 «Отанг билмасин»
09.00 10.30 Ўзбек наволари
09.30 «Завтра наступит сегодня»
11.30 «Малышка на миллион» худ. фильм

14.00 Ўзбек наволари
14.30 «Отанг билмасин»
15.30 «ТАЙНА ВОЛШЕБНОЙ ТЫКВЫ» худ.фильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 «Премьера»
18.00 Prime time (рус)
18.10 19.30 Ўзбек наволари
18.30 «ОТАНГ БИЛМАСИН»
21.00 «ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ»
22.00 «Калбим ўгриси» б/ф
ntti
06.30 Мумтоз наволар
07.15 «НТТда хажвия»
07.30 «Худуд»
08.00 «Йўқотилган йиллар» т/с

17.40 НТТда мусика
18.00 «Жиноят кидирув бўлими» т/с
18.45 Кутилмаган томоша
19.00 «Сёғун» т/с
19.35 «Бизнес-телемаркет»
19.45 «Аргувонлар остида» т/с
20.30 «Худуд» т/с
21.00 «Омад ва бахт» т/с (77, 78-кисмлар)
21.45 «Бизнес-телемаркет»
21.50 «НТТ-спорт»
22.00 «Яхши кайфият»
22.30 «Йўқотилган йиллар» т/с
00:00 «Тунги ором»

ЖУМА 16

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
8.00 «Ахборот».
8.40 - 9.30 «Маънавият» дастури.
9.30 «Янчар қувён». М/ф.
9.55 «Таълимга эътибор - калажакка эътибор».
10.15 «Қирол ва мен». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
11.45 «Кун мавзуси».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Муҳаббатим қисмати»
13.45 «Кундуз амакининг хикоялари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Дунё манзаралари».
14.40 «Бир жиноят изидан».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Ван Гог».
16.05 «Очун».
16.20 Ф. Тошматов номидagi дуторчилар ансамблининг концерти.
16.40 «Икки дарё оралиғида».

17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
18.15 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
18.55 «Хидоят сари».
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 Миллий сериал: «Муҳаббатим қисматим».
20.50 «Ватанимни куйлайлар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки».
22.00 «Қирол ва мен». Т/с.
22.45 «Нейрохирург». Т/с
23.25 - 23.35 «Очун».

13.00 «Давр».
13.10 «Айланай».
13.30 «Император аёл».
14.20 «Ешлик баъзи».
15.20 «Ижод мактаби».
16.00 «Давр».
16.10 «Мўъжизавий дунё».
16.40 «Мик». Х/ф.
17.00 «Пуаро». Т/с.
18.00 «Китоб - офтоб».
18.30 «XXI аср технологиялари».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.50 «Император аёл».
21.40 «Ешлик наволари».
22.00 «Давр».
22.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.30 «Астерикс ва Обеликс Цезарга қарши».
1.20 «Кўнгил куйи». 1-қисм.
2.00 «Давр».
2.30 «Салом, ёшлар!».
3.30 «Самурайлар байроғи». Б/ф. 1-қисм.

9.30 «Пойтахт».
9.50 Миллий сериал: «Кирк тоғоранинг кирк ноғораси».
10.15 «Репортаж».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Кавингтон Кросс».
11.05 «Интервью». /рус/.
11.25 «Затура». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Эсмеральда». Т/с
15.45 «Тирки сайёра: Сиртлоқлар». Х/ф.
16.40 «Саломат бўлинг!».
17.00 «Жасур тирпатикан».
17.20 «Эртанинг эгалари».
17.35 Миллий сериал: «Кирк тоғоранинг кирк ноғораси». 19-қисм.
18.00 «Пойтахт».
18.25 «Кўнгил риштаси». Т/с
19.25 Тошкент тароналари.
19.35 «Маърифат фидойилари».
20.00 «Пойтахт».
20.45 «Инсон матонати». Т/с
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Телекурёр-маркет».
22.05 «Интервью». /рус/.
22.25 Комедия по пьесам: «Мистер Бин на отдыхе».
23.55 Курсатувлар тартиби.

7.15 ХАБАРЛАР.
7.25 Болалар майдончаси.
7.55 «Военное дело».
8.15 ХАБАРЛАР.
8.30 «Малахов +».
9.20 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. «Штутгарт»-«Барселона».
11.10 «Эзги таътиб - 2010».
11.25 Бокс. Халқаро турнир.
12.40 «Ливерпуль»нинг олтин даври. Хужжатли фильм.
13.05 Болалар майдончаси.
13.30 Велоспорт. Тур де Франс.
14.15 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. «Пахтакор»-«Ал Шабаб».
15.55 Ёнгил атлетика. Халқаро турнир.
16.25 Футзал. Осиё чемпионати. Финал. Эрон - Ўзбекистон.
18.00 Болалар майдончаси.
18.25 «Санъат ва спорт».
18.45 ХАБАРЛАР.
19.05 Бокс. Халқаро турнир.
20.00 «ГОЛ».
21.00 «БРЕЙН - РИНГ».

21.45 ХАБАРЛАР.
22.05 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. «Интер»-«Челси».
23.45 Шанба дастури анониси.
TV-MARKAZ
07.00 09.00 Ўзбек наволари
08.00 «Отанг билмасин»
09.30 «Завтра наступит сегодня»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Калбим ўгриси» б/ф
13.10 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Отанг билмасин»
15.30 «СПИДИ-ГОНЩИК»
17.30 «Премьера»
18.00 Ўзбек наволари
18.30 «ОТАНГ БИЛМАСИН»
19.30 Ўзбек наволари
21.00 «Hollywood Markazida»
22.00-01.00 «CHUNKI BU TAQDIR» хинд б/ф
ntti
06.30 Мумтоз наволар
07.15 «Мусликий лаҳзалар»
07.30 «Худуд»
08.00 «Йўқотилган йиллар» т/с

09.30 «Яхши кайфият»
10.00 «Дийдор ширин»
11.15 НТТда мусика
11.30 Хужжатли фильм
12.00 «Жиноят кидирув бўлими» т/с
12.45 «НТТ спорт»
13.00 «Яхши кайфият»
13.30 «Омад ва бахт» т/с
14.15 Киноконцерт
14.30 Кутилмаган томоша
14.45 «Сёғун» т/с
15.30 Хужжатли фильм
15.45 «Соғин»
16.00 «Аргувонлар остида» т/с
16.45 Кутилмаган томоша
17.00 «Янги авлод»
17.40 НТТда мусика
18.00 «Жиноят кидирув бўлими» т/с
18.45 Кутилмаган томоша
19.00 «Сёғун» т/с
19.35 «Бизнес-телемаркет»
19.45 «Аргувонлар остида» т/с
20.30 «Худуд» т/с
21.00 «Омад ва бахт» т/с (79, 80-кисмлар)
21.45 «Бизнес-телемаркет»
22.00 «Яхши кайфият»
22.30 «Йўқотилган йиллар» т/с
00:00 «Тунги ором»

ШАНБА 17

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 Миллий кино: «Кўзларим йўлингда». 1-қисм.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Бизнинг кутубхона».
9.00 «Хомуш хўтичка». М/ф.
9.40 «Қирол ва мен». Т/с.
10.25 «Хидоят сари».
10.45 «Чинсен».
11.05 «Оналар мактаби».
11.25 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.10 Миллий сериал: «Муҳаббатим қисматим».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Одил суд».
15.10 «Кутилмаган мөҳмон». Б/ф.
16.20 «Минг бир маслаҳат».
16.40 «Аяжонларим». В/ф. 1-қисм.
17.15 «Ажойиб саёхат». Мусликий дауст.
17.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
18.20 «Саломатлик сирлари».
18.50 «Шўрданақ». Ҳажвий курсатуви.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 Миллий сериал: «Муҳаббатим қисматим».

21.00 «Ахборот».
21.40 «КиноТеатр».
22.05 «Мольер». Б/ф.
23.50-24.00 «Очун».

20.50 «Император аёл».
21.40 «Ешлик наволари».
22.00 «Давр».
22.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.10 «Ешлик наволари».
23.30 «Астерикс ва Обеликс: Клеопатра миссияси». Б/ф.
1.20 «Кўнгил куйи». 2-қисм.
2.00 «Давр».
2.30 «Салом, ёшлар!».
3.10 «Ешлик баъзи».
3.30 «Самурайлар байроғи». Б/ф. 2-қисм.

14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Эртанинг эгалари».
15.15 «Эсмеральда». Т/с
15.50 «Менинг маҳаллам».
16.05 «Маърифат фидойилари».
16.30 Миллий мультфильм: «Қул».
16.40 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.00 «Санъатимиз ҳазинасида».
17.15 «Қонун доирасида».
17.30 Миллий сериал: «Кирк тоғоранинг кирк ноғораси». 20-қисм.
18.05 «Ҳаёт фалсафаси».
18.25 «Кўнгил риштаси». Т/с
19.35 «Истеъдод».
20.00 «Пойтахт».
20.45 «Таня нуктаси».
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Телекурёр-маркет».
22.00 Планета земля. «Презентация воды».
22.55 Индийское кино: «Ты и я». Х/ф. 1-қисм.
23.55 Курсатувлар тартиби.

Мультифильм.
8.25 «Санъат ва спорт».
8.45 ХАБАРЛАР.
8.55 АНОНС.
9.00 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. УЕФА чемпионлари лигаси. «Интер»-«Челси».
10.40 АНОНС.
10.45 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.
11.25 УҚ отиш. Европа чемпиониати.
12.05 Бокс. Халқаро турнир.
13.00 Рақамлар, натижалар, реинглар.
13.05 Болалар майдончаси: «Спортландия».
Мультифильм.
13.30 Велоспорт. Тур де Франс.
14.15 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. Осиё чемпионлари лигаси. «Пахтакор»-«сепакон».
15.55 Спортивный экран: «В поисках Бобби Фишера».
17.35 «Саломатлик неъматлари».
18.00 «Машъал» радиосида «Арана» дастури.
18.45 ХАБАРЛАР.
19.05 «Спортмиз маликалари».

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
08.00 «Бизнинг мусика»
09.00 Мультифильм
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Chunki bu taqdir» хинд бадийи фильми
14.30 «Кулинарный гид»
15.00 «КВАРТИРКА ДЖО» худ.фильм
15.40 Ўзбек наволари
18.00 Prime time (рус)
13.10 Ўзбек наволари
19.00 «Топ-10»
19.35 Ўзбек наволари
21.30 «Премьера»
22.00 «ГАТТАКА» худ.фильм
00.00 Миксер

07.00 Мумтоз наволар
07.30 «Худуд»
08.00 Мультифильм
09.45 «Кутилмаган томоша»
10.00 «Мусликий лаҳзалар»
10.15 «НТТ спорт»
10.30 «Сёғун» т/с
12.00 «Дийдор ширин»
13.00 Худудий телестанциялар лойиҳалари
13.15 Эрган хандаси
13.30 «Сёғун» т/с
15.00 Киноконцерт
15.15 Кутилмаган томоша
15.30 «Яхши кайфият»
16.00 Худудий телестанциялар лойиҳалари
16.15 «НТТда мусика»
16.40 «НТТ спорт»
16.50 «Бизнес-телемаркет»
17.00 Мультифильм
18.00 «Апрель-май» б/ф
19.35 «Бизнес-телемаркет»
19.45 «Дил наволари»
20.00 «Парламент соати»
20.20 «НТТ спорт»
20.30 НТТда премьералар: «Ажал» б/ф (Хиндистон)
22.40 «Тунги ором»
23.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
00:20 Тунгингиз хайрли бўлсин!

ЯКШАНБА 18

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким».
7.05 Миллий кино: «Кўзларим йўлингда». 2-қисм.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Ноини босяган қизча ҳақида». М/ф.
9.00 «Табассум».
9.35 «Очик дастурхон».
10.10 «Саломатлик сирлари».
10.30 «Шўрданақ». Ҳажвий курсатуви.
11.05 «Один хаёт». Ток-шоу.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тоғ гуллари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 «Ота-оналар учун тузуқ». Б/ф.
15.10 «Заковат».
16.10 «Аяжонларим». В/ф. 2-қисм.
16.40 «Кунларнинг бирида».
16.50 «Болалар дунёси».
17.20 «Танаффус». М/ф.
18.20 «Рангин дунё».
18.45 «Оҳанрабо».

19.30 «Тахилнома». /рус/.
20.10 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
21.00 «Тахилнома».
21.45 «Азизим».
22.15 «Стривари». Б/ф.
23.55 - 00.05 «Очун».
00.05 Курсатувлар дастури.

20.30 «Рўзгор мактаби».
21.10 «Қизлар давраси».
22.00 «Кавказ асирлари».
23.30 «Астерикс Олимпиада ўйинларида». Б/ф.
1.20 «Сехрилик қўлар».
2.00 «Давр». Хафта якуни.
2.30 «Ватанпарвар».
3.10 «Ўмр баҳори».
3.30 «Алп йигитнинг уйланиши». Б/ф.
4.40 «Тарангум».
5.20 «Мўъжизавий дунё».

10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 Эко-«Пойтахт». /рус/.
10.55 «Саргузаштлар ороли».
11.20 «Садокатли дўстлар».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.05 «Кўринмас одам».
15.30 «Истеъдод».
15.45 «Карвонсарой».
16.00 «Болаликка қайтиб».
16.20 «Ласси». Б/ф.
17.50 «Менинг шахрим».
18.20 «Нима учун?».
19.25 Тошкент тароналари.
19.45 Миллий кино: «Фериде». Б/ф.
21.25 «Тошкент оқшомлари».
22.00 Тошкент тароналари.
22.15 «Все о туризме».
22.45 «Кино SMS со звездам»: «Я Сам», «Ванильное небо», «Пролетая над гнездом кукушки».
00.55 Курсатувлар тартиби.

9.25 АНОНС.
9.30 «Тренируемся вместе».
9.50 Куенко стартлар».
10.25 АНОНС.
10.30 ХАБАРЛАР.
10.40 АНОНС.
10.45 «Иқтидор».
11.10 «Аптека слушает».
11.55 Бокс. Халқаро турнир.
13.00 Рақамлар, натижалар, реинглар.
13.05 «Стать ближе». Ток-шоу.
13.50 АНОНС.
13.55 Велоспорт. Тур де Франс.
14.35 АНОНС.
14.40 «ГОЛ».
15.40 «РИНГ».
16.10 АНОНС.
16.15 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. Осиё чемпионлари лигаси. «Бунёдкор»-«Зобакон».
17.55 АНОНС.
18.00 «Спортчилар оиласи».
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 АНОНС.
19.05 «Спорт - менинг ҳаётим».

19.30 Бокс. Халқаро турнир.
20.35 ТФ спорти. Миллатлар кубоги.
21.30 ХАБАРЛАР.
22.05 «Ринг қироллари».
23.15 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. УЕФА чемпионлари лигаси. «Шахтёр»-«Фулхэм».
00.55 «Хайрли тун!»
TV-MARKAZ
07.00 Ўзбек наволари
09.00 Мультифильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Гаттака» худ.фильм
14.30 Ўзбек наволари
15.00 «АЛИСА В СТРАНЕ ЧУДЕС» худ.фильм
16.50 Ўзбек наволари
17.30 М-files
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
18.30 «Кинокурёр»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 «Премьера»
22.00 «ВОЗМЕЩЕНИЕ УЩЕРБА» худ.фильм
00:00 Миксер

07.00 Мумтоз наволар
07.30 «НТТ спорт»
07.45 «Мусликий лаҳзалар»
08.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
09.25 «Кутилмаган томоша»
09.45 Худудий телестанциялар лойиҳалари
10.30 «Апрель-май» б/ф
12.00 НТТда премьералар: «Бир аякнабий» б/ф (Хиндистон)
14:15 «Жиноят кидирув бўлими» т/с
17.00 Мультифильм
18.00 «Янги бой» б/ф
19:15 «Кутилмаган томоша»
19:25 «НТТ спорт»
19:35 «Бизнес-телемаркет»
19:45 «Якшанбада яхши дам»
20:30 «25-кадр» кино-курсатуви
21:00 «Дийдор ширин»
22:00 Тунги кинозал: «Одиссей» б/ф
00:20 Тунги ором»
00:35 Тунгингиз хайрли бўлсин!

Ўқув маркази	МАШРИК	МАШЪАЛИ	Ўқишга таклиф этади
Муомала ва мураса илми	— 2 ой	Муомала ва мулоқотмандлик	— 2 ой
Тикувчилик	— 3-4 ой	психологияси	— 2 ой
Каштачилик (машинада гул босиш)	— 2 ой	Оила психологияси ва оилавий муносабатлар	— 2 ой
Тўй либосларни тикиш	— 2 ой	Оила куриш остонасидагилар учун психология	— 1 ой
Астарли костюм ва пальто тикиш	— 2 ой	Бошқарув ва бизнес психологияси	— 2 ой
Эркаклар шимини тикиш	— 1 ой	Оналар мактаби (ҳамширалик курси)	— 3 ой
Бисер ва тошлар билан безатиш	— 2 ой	Бухгалтерия (тезкор усулда)	— 10 кун
Дизайн яратиш (соҳалар бўйича)	— 2 ой	Элита пардалари	— 2-3 ой
Сунъий гул ясаш	— 2 ой	Қўлда тўқиш (каталог бўйича)	— 2 ой
Қандолатчилик	— 2 ой	Заргарлик	— 6 ой
Жаҳон таомлари	— 1 ой	Тил ўргатиш: рус, инглиз, араб, хитой	
Олий торт безатиш	— 1 ой		
Косметология:		Якшанба дарслари	
I. Эстетик косметология (бўяниш)	— 2 ой	3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун рус ва ўзбек мактабига тайёрлаш курслари	— 3-4 ой
II. Вакс — депиляция	— 1 ой	(талабларга биноан)	
Замонавий соч турмаклаш	— 2 ой		
Массаж	— 2 ой		

Маълум: Хадра майдони, Ўйгув кўчаси, 12-уй. Мўлжал: "ROISON" мағазини.
Мўлжал: Мақолали яқинида. Тел: (+99897) 728-00-63, 471-71-33; 242-73-98

ЭРТАЛАБКИ ТАҚВОЛИ НОНУШТА АСОСИДА:



- Сурункали қабзият;
- Асабийлик;
- Соғломлашиб, табиий семириш;
- Қорин ва сондаги ёғларни йўқотиш;
- Қон томир, ичакларни, бўғимдаги тузаларни табиий тозалаш;
- Ойига 5–15 кг.гача озиш;
- 3 ойда 10 ёшга ёшариш;
- Болалар муаммолари;
- Қоннинг шакар миқдори ва босимини меъёрлаш;
- Юзни оқартириб, жарроҳлик амалиётисиз ёшартириш (ажин ва доғлар);
- Италия, Франция ҳамда Америкадан келтирилган табиий маҳсулотлар.

Мурожаат учун телефон: (+99897) 710-03-11. Халқаро тоифали WELLNES тренер Лола Қаландарова. (+99897) 711-32-05 (Хоразм).
Маҳсулот сертификатланган. №0738045

БИР ҲОВУЧ ДУР

Кампинг таянчи бўлса, ўша бақувват бўлади, бақувват кишининг бахт-давлати мустақкам бўлади.

Мулоимлик бахт билан қанчалик ярашқили тушади. Донолар сабр-чидамли бўлсалар, нечоғлик чирой бўлади.

Агар давлат кимга кулиб боқса, кўнглини юмшоқ қилиб, камтар бўлиши керак.

Давлат кимга кулиб боқса, камтарлик билан уни қаттиқ тутиши керак.

Қут кўчат кабидир, унинг томири ҳам бўлади, кўнглининг юмшоқлиги эса унинг иддизидир.

Феъл мулоим одам қандай яхши бўлади, чеҳраси очик кишининг иши кунда ривож олади.

Кибри, гердайган, мағрур одам манфур бўлади, мағрурлик мартабаси кундан-кунга юз тубан кетишидир.

Давлат кимга юз уриб келса ҳам ярашаверади, лекин у заковати кишиларга жуда ҳам мос тушади.

Нодонга давлат келиб ярашса, донога юз чандон ортиқ ярашади.

Давлат билимсиз билан қарор топса, билимли билан юз чандон ортиқ қарор топади.

Давлат билимсизларни кеккайтиради, билимдиларни эса безайди.

Одам учун олтин-кумуш жуда қадрли нарсадир, лекин ўзини тутта билувчи одам кумуш-олтиндан ҳам қимматлидир.

Донишманд бундай таълим беради: Тўғри, чин одамни топсанг, уни кўзга сургин.

Заковат бундан ҳам яхши таълим беради: Меҳрибон ва садоқатли кишиларга жонни фидо қилсанг ҳам оздир.

Тўғри, деб айтадилар, тўғри ўзи қандай бўлади?

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ
"Қутадғу билиг"дан

Москвадаги Халқаро Абу Али ибн Сино академиясининг магистри табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини таклиф этади:



- Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қора талоқ касалликлари;
- Бепуштлиқ, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва туҳмудон кисталари, простата беши шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетади;
- Умуртқа қурраси, бел ва оёқ оғриги, бод, артрит, полнаррит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури шарқ табobati усулида гиёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўрғони.
Телефон: (+99897) 156-57-31 Лицензия № 95
Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.

Автомактаб «Dilanjtali» нодавлат таълим муассасида «В» тоифали ҳайдовчилар тайёрланади. Ўқиш муддати уч ой. Тўлов пули — 120000 сўм. Пул ўтказиш нақд ва пластик карточкалар орқали амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 3-мавзе.
Телефон: 227-93-83, 119-10-22.

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги

2519- АВТОЖАМЛАНМА ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

маъмурияти шу ҳудудда яшаётган «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

Ойлик маошлар куйидагича:
Ҳайдовчилар учун 600 000 сўм.
Чиптачилар учун эса 170 000–200 000 сўм.
Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар тайёрланади.
Ўқиш муддати 6 ой. (3 йил ишлаб бериш шарти билан)
Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет(нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. "В", "С" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари(нусхаси) албатта тақдим этилади.

Куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайжон кўчаси, (собиқ Иркутск) 20-уй.
Мўлжал: Корасув 6. ТЕЛЕФОН: 266-38-31

ТАБИБ МУҲАББАТ ХОЛМАТОВА

беморларни кафтидаги биоқувват ва гиёҳлар билан самарали даволайди.

МуОЛАЖАЛАРДА

- Эркаклар ва аёллар бепуштлиги
- Простата беши муаммолари
- Буйрак ва туҳмудон кисталари
- Миома
- Жинсий заифлик ва бошқа хасталикларга шифо топишингиз мумкин.

Муҳаббат Холматованинг «Халқ табobati маркази» Ўзбекистон Халқ табobati академияси томонидан берилган №107-гувоҳнома асосида фаолият олиб боради.

Табиблар реестрида 2106-рақам билан қайд қилинган.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 1-уй, 19-хонадон.
Мўлжал: Хадра майдони.
(«ROISON» дўкони орқа тарафи)
Мурожаат учун телефонлар:
244-44-76;
(+99897) 469-24-58

Ҳурматли келинимиз ФЕРУЗАХОН!


Туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, бахту иқбол тилаймиз. Жисму жонингизга саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, қалбингизга осойишталик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Шириндан-шакар фарзандлар насиб этсин.

Сайдолимовлар оиласи.

Қадрли Дилмурод ака

Сизни муборак 50 ёшингиз билан самимий табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Фарзандларингизнинг хузур-ҳаловатини кўриб юрмоқ насиб этсин.


Самимий эҳтиром билан журналист курсдошларингиз



Адабиёт муаллимаси Маликаҳон 8-синф ўқувчиларига ўтаётган дарсини шундай ақунлади:
— Хуллас, Ойбекнинг «Навоий» романи адабиётимиз тарихида катта ҳикматга эга асар сифатида қолди. Адибнинг бу асари нафақат Алишер Навоий шахси, шунингдек, халқимиз маънавиятининг муҳим босқичини ўзида акс эттирган... Де-

ичкарига олиб кирди. Дабдабали ҳовли. Уйда ҳамма нарсанинг муҳайё эканлиги шундоқ кўринишидан сезилиб турибди. Улар меҳмонхонага кирдилар. Уй бекаси меҳмонни ичкарига бошлаб, ҳамон жағи-жағига тегмай бидилларди:
— Хуш келибсиз, Маликаҳон, эр-хотин хижолатдамиз, олдингида энди бормоқчи эдик. Сизни қанчалар хурмат қили-

олиб ўтиринг, Маликаҳон.
Ахирги Маликаҳон уй бекаси бир неча сонияга нафас ростлаш учун гагдан тинганида, фурсатдан фойдаланиб муддаога кўчди:
— Мен сиз билан Эркинжон ҳақида гаплашиб олгани келувдим.
Уй бекаси кутилмаган иддаодан бир зум каловланиб турди-да, бирдан ўз ха-



ламайди, буни истамайди. Ҳамма нарсаси совуқ ва бифарқ қарайди. Синфдошлари билан муносабати ҳам яхши эмас. Кейинги пайтларда унга гап ҳам таъсир қилмай қўйди.

Уй бекаси нима деярини билмай, бирдан паст тушиб қолди:
— Билмасам... Балки, йигитлик даврига ўтаётгани учун...

Ўқитувчи эса куйиниб гапида давом этди:

— Айни шу ўтиш даврида аксинча бўлиши керак. Унинг қизиқишлари кучайиши, фикри ўсиши, иштиёқи ортиб бориши керак. Унда эса аксинча...

— Мен бугуноқ дадаси билан гаплашаман, — деди мижговланиб уй бекаси, — Ўзи билан ҳам... Тавба, унга нима етмаслиги мумкин? Қандай камчилиги бор экан? Топган-тутганимиз шуники-ку!

— Замира опа, Эркиннинг дасхонасини кўрсак бўладими? — деди Маликаҳон ўрндан кўзгади.

— Бемалол! Юринг! Ўқувчининг дарс қилиши учун ҳамма шароитни муҳайё қилиб қўйганмиз.

Улар компьютер, дарс столи, стол лампалари ўрнатилган шина ва чиройли хонага киришди. Хонада дарс учун барча замонавий шароитлар муҳайё қилинган. Ўқитувчи бир неча китоблар териб қўйилган жавонга эътибор қилди. Унда фақатгина 8-синф дарсликлари бор. Биронта ҳам бадиий китоб йўқ эди.

— Биласизми, Замира опа, менинг бир одатим бор...

— Хўш, хўш, эшитаман, айланай?

— Ўқувчиларимнинг уйгами, бирон жойга меҳмонгами, қариндошларимникига борамамми, қаерга бўлмасин, шу уйнинг уй кутубхонасини кўргим келади.

Уй бекаси не дейишини билмай қолиб, каловланди:

— Вой, Маликаҳон, бизнинг кутубхонамиз йўқ эди-я!

— Кутубхона деганда сиз ка-а-тта кутубхонани тушунманг-да, уйингизда бадиий китоблар сақланганда жой беришнинг айтишгани айтаялман. Юзта китоб бордир, элликта китоб бордир ҳеч бўлмаса...

Беканинг энсаси қотди, лекин сездирмай ўзини хижолат бўлгандек кўрсатиб:

— Қаранг-а, шуни уйламамиз-да... — деб қўйди.

Ўқитувчи ҳам жўрттага қилгандай ўсмоқчилаб яна сўради:

— Шундоқ дангиллама уйдан унта ҳам бадиий китоб чиқмайди?

Аёл тилини тишлабгина жим тураверди. Ўқитувчи эса уни яна чимчилаб олди:

— Тавба, шунча меъёллар, гиламлару, қимматбаҳо жиҳозлар сиққан уйга унта китоб сифмаси-я!

Ҳашамат ҳавосидан масрур уй бекаси не дейишини билмай ерга қаради...

Эшқобил ШУКУР

КИТОБСИЗ УЙ

ЎХУД ҲАШАМАТГА СИФМАГАН ҲИКМАТ

мак, келгуси дарсга ҳаммангиз Ойбекнинг «Навоий» романини ўқиб-ўрганиб келасизлар. Тушунарлими?

Синфхонада болаларнинг бир овоздан: «Тушунарли!» деган жавоби гуриллади.

Худди шуни кутиб тургандай, бирдан танаффусга кўнгирок чалинди. Ўқитувчи ўқувчилар билан хайрлашиб, уларга чиқишга рухсат бериб, ўзи столдаги ёйиқ турган қоғозларни йиғиштира бошлади. Болалар синфдан чиқиб кетаётганларида Маликаҳон:

— Эркин, сенда гапим бор, қолгин, — деб бир ўқувчини тўхтатди. Бўйчангина, атрофига белисанд ва беларво қараб турган ўспирин ноилоҳ тўхтади. Ўқитувчиси Эркин деб чақирган бу бола устознинг олдида навбатдаги танбеҳни кутаётгандай ланж бир ҳолатда туриб қолди.

— Эркин, ота-онангга менинг сўраганимни айтдингми? — деди муаллима қоғозларни тахлай туриб.

— Айтдим... — деди Эркин эшитилар эшитилмас.

— Унда нега келишмади? Келиб-кейтишин деб қаттиқ тайинлагандим-ку! Ё айтмадингми?

— Дадам эрталабдан кечгача ишдалар. Ойимнинг эса «гап»лари бор. Вақтим бўлиши билан кириб ўтаман дедилар.

— У ҳолда ўзим уйлариингга бораман... — Устоз...

Маликаҳон ҳайбатидан от хуркадиган ҳашаматли уйлاردан бирининг эшигида тўхтаб, кўнгирок тугмачасини босди. Бир муддат ўтгач, дарвозанинг кичик тавақаси очилиб, ундан Эркиннинг ойисини кўриди. У ўғлининг ўқитувчисини кўриб бирдан шалдираб гапира кетди:

— Вой, Маликаҳон! Келинг, келинг. Ўзим айланай сиздан. Қани марҳамат ичкарига кириш.

— Йўқ, раҳмат. Шу ерда гаплашиб олсак ҳам бўлар... — деди Малика.

— Нималар деяпсиз, уйимга Эркинжонимнинг ўқитувчиси келар экан-у, эшикдан кузатарканамми? Оёгингизнинг остига кўй сўйсақ ҳам кам-у, эшикдан қайтаман дейсиз-а?

Уй бекаси кўярда қўймай ўқитувчини



шимизни билсангиз эди. Эркинжонга мен қатори сиз ҳам онасиз-да.

У тинмай гапира-гапира бир зумда дастурхонни тузаб ташлади. Ўзиям турли ноз-неъматлар меҳмон келишини кутиб тургандай лип-лип этиб стол устига чиқиб, мени ол дегандай ўзини кўз-кўз қила бошлади. Уй бекаси эса ҳамон навбат бермай гап кетидан гап улаб борарди:

— Уйимизда биров бўёқ ҳиди бор. Безовта бўлмасиз. Яқиндагина қайта таъмирдан чиқардик. Биласизми, Маликаҳон, менга бир хиллик ёқмайди. Уй ҳам, ҳовли ҳам, хоналар ҳам ўзгариб, янгилини туриши керак. Таъбир шунақа.

Ошқонани бутунлай ўзгартириб юбордик. Уйдаги ҳамма жиҳозларни янгилаётимиз. Уй уйда бўлсин дедим-да. Ўзиям шунақа замонавий меъёллар чиқартирдики... Гиламларни айтмайсизми? Вой,

тосини андавалашга тушиб кетди:

— Шу десангиз, ҳеч ўзимиздан ортмаяпмиз. Бир кун «гап», бир кун никоҳ, бир кун чарлар... Қариндош-уруғлар ҳам, таниш-билишлар ҳам биз бир кўриниш бермасак хафа бўлишади. Поччангизни обрўйини биласиз...

— Шунинг учун ўзим келдим, — деб яна унинг гапини бўлиб ташлади Маликаҳон. — Биласизми, Замира опа, нимагадир ўғлингиз ўзгариб борапти. Ўзи ёмон боламас. Лекин, кейинги пайтларда бошқача бўлиб қолгандай.

Уй бекаси ташвишланиб ўқитувчига қараб қолди:

— Қанақасига? Нега ўзгариб қолади?

— Жудаям ҳафсаласиз бўлиб борапти. Дарсларни ўзлаштириши ҳам яхши эмас. Ҳеч нарсага қизиқмайди. Шу пайтдан иштиёқи сўниб қолса, яхши бўлмайди. Биласизми, ўғлингиз нимагадир фикр-

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

Кўй (21.03–20.04)

Ҳафта бошида қатъий қарорлар қабул қилишга ошқиманг. Бу атрофдагиларнинг нозилигига сабаб бўлиши мумкин. Чоршанба куни иш озасидан учрашувга борасиз. У ердагилар билан кўпам сирдош бўлиб, гоъларингизни ошқор қилманг. Бу сизга қимматга тушиши мумкин.

Бузоқ (21.04–21.05)

Бу ҳафта унчалик ҳам омадли келмаслиги мумкин. Аммо кайфиятинги туширманг. Бари ўзингизга боғлиқлигини унутманг. Нимаким иш қилманг, жон дилингиз билан бажарсангиз, мақсадингизга албатта эришасиз. Уйдагилар билан ўртангизда келишмовчилик юз бериши мумкин. Бунга руҳан тайёр туриг.

Этизаклар (22.05–21.06)

Иш билан боғлиқ масалалар-



да ҳафтанинг биринчи ярми ёқимли келади. Утган кунларда рўй берган кўнгилсизликларни унутасиз. Иккинчи ярмида эса мавжуд муаммоларингизни ва кичик хатоларингизни тўғрилайсиз. Сизни алдашга уринишлари мумкин, бунга йўл қўйманг.

Қисқичбақа (22.06–22.07)

Душанбада шу кунгача қилган ишларингизни сарҳисоб қиласиз. Ҳатто айримларидан кўнглингиз тўлмагандек бўлади. Чоршанба ва пайшанба куни ўз лойихангиз хусусида қилишнинг билан ўртоқлашасиз. У сизга камчиликларингизни тузатишда ёрдам беради.

Арслон (23.07–23.08)

Шу кунларда фаоллигингиз анча сусайган. Келаётган ҳафтада жонланишга ҳаракат қиласиз. Ёдда тутиш, бу фақат сизга фойда келтириши мумкин. Пай-

шанба куни даромадли ишга кўл урасиз. Дам олиш куни нуфуз-лироқ базмга тақдир этиласиз.

Сунбула (22.08–22.09)

Шу кунларда ўзингизни ёлғиз ҳис этасиз. Юзага келган нуқуллай вазиятга ўз фойдангизни кўзлаб, баҳо бера-сиз. Бу сизга безовталиқ гирдобидан чиқишингизда кўмаклашади. Ҳафта ўртасига келиб, барча зиддиятлар қўн топади. Фақат қайсарлик қилманг. Рақибингиз эса жуда ноҳор аҳволга тушиб қолади.

Тарози (23.09–22.10)

Айни кунларда зиммангизга бир талай мажбуриятлар юкланади. Лекин сиз ишнинг ўзини эмас, кўзини билсангиз кифоя. Ҳаммасини аъло даражада уддалайсиз. Пайшанба ва жума кунлари сизни майда ташвишлар безовта қилад.

Чаён (23.10–22.11)

Бугун ҳафта давомида бироз безовталаниб юрасиз. Агар ишларингиз орқага кетишни бошласа, тезда қаерда хато қилганингни ўйланг. Ва уни дарҳол тузатишга киришинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмига келиб, енгил тин оласиз.

Ўқотар (23.11–21.12)

Сизга айрим масалаларда тақдир имконият яратди. Ақлингизни ишлатиб, уни пайқасангиз ушлаб қоласиз. Аксинча, уни қўлдан бой берасиз ва буни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Юлдузлар уйингизга қадрдон кишилар ташриф буюришини башорат қилишяпти. Бундан кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

Тоғ эчкиси (22.12–20.01)

Ушбу бурж вақтлари шу вақтларда ширин ташвишлар билан овера бўлишади.

Лейкин бунда уларга руҳий мадд керак бўлади. Уни фақат

яқин сирдошингиздан кутишингиз мумкин. Чоршанба ва пайшанба кунларини хотиржам ўтказасиз. Дам олиш куни эса асабийлаша бошлайсиз. Бирок ҳаммаси бир пасда ўтиб кетади.

Ковға (21.01–19.02)

Бошида ҳамма ишларингиз бир текисда кетаётгандек туюлади. Аслини билганингни эҳсо эс тинчингизни йўқотасиз. Фақат кўнглингизга яқин жойдагина ҳаловат топасиз. Чоршанбада кўнглингизга пул тушиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Балиқ (20.02–20.03)

Душанбада сизга омад кулиб боқishi мумкин. Узоқ муддатли режаларингизни амалга оширишга киришасиз. Ҳафта ўртасида кўнглингиз енгил ва эркин ҳис қиласиз. Сўнгига келиб, муаммоларингиз ечим топади ва ўз-ўзидан кайфиятингиз ҳам кўтарилади.

Фарангиз УМИДОВА тайёрлади.

Ёз мавсуми бошланди дегунча, кўпчилигимиз юртимизнинг табиати баҳаво, салқинроқ гўшаларини сўроқлаб қоламиз. Тўғри, ҳар ким энг аввало моддий жиҳатдан қулайроқ ва энг муҳими, ҳам руҳан, ҳам жисман ҳордиқ чиқаришга мос жойни танлайди. Бундай масканлар мамлакатимизнинг деярли ҳар бир ҳудудда бор. Ана шундай ажойиб оромгоҳлардан бири пойтахтимизнинг Катта халқа йўли устида, яъни "Отчопар" буюм бозори ёнгинасида жойлашган "Semurg'-shifo" санаторий-профилакторийсидир.



ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДА

сизми, авваллари ҳар доим реклама қилинадиган санаторийларга борардим. Ҳаммаси яхшию, лекин негадир икки-уч кун деганда бирдан танамда салбий ўзгаришларни сезардим, уйга қайтиб кетардим. Билмадим, ҳавоси ёқмасиди, ёки бошқа сабабми, сира кўниколмадим. Охири мана, икки-уч йилдан бери "Семург"га келиб жоним ором топди", — дейди чинозлик Лола опа Жалилова.

Дарвоқе, Лола опанинг самимий эътирофини Ватанимизнинг турли гўшаларида яшовчи Майрам Шаропова, Султонпошша Хўжаева, Мавлуда Шоғуломова,

бери дам олиш масканимизда мижозларни табиий шифобахш булоқ суви билан даволаш йўлга қўйилган. Тўғри, айримлар "Бундай сувлар кўп жойларда бор, доимо мақташдади, лекин ичиб кўрсангиз, таркиби бир хилга ўхшайди" деган фикрда ҳам юришади. Лекин, "Semurg'-shifo"даги сув бошқа жойлардагидан кескин фарқ қилади. Яъни мутахассислар томонидан ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, бу сув бутун дунёга машҳур Трускавецнинг "Нафтуса" таркибига ниҳоятда яқиндир.

Менинг ўзим шифокор сифатида кўп бора гувоҳи бўла-япманки, қандли диабет, юрак-қон томир, ошқозон, ўт пуфак, ичак яраси, жигар ва ўт ўпка йўллари, тери касалликлари, моддалар алмашинуви, урологика ва гинекологик хасталикларга "Семург" суви ниҳоятда малҳам бўлаётти. Яна бир эътиборли жиҳати, ана шу сув ёрдамида ичаклар ювилади, гинекологик муолажалар амалга оширилади, минерал ва газли ванналар, юқори ва паст босимли душлар киши танасига ўзгача куч-қувват бағишлайди. Бир сўз билан айтганда, бизнинг аҳил ва иноқ жамоамиз барча ташвишлардан ортиб, бир маза қилиб дам олайин деган юртдошларимиз учун беминнат хизмат қилаётганидан мамнун. Чунки бир қаранг, бу инсонлар қаерлардан келишяпти? Демак, биз ҳам шунга яраша ишлашимиз, фаолиятимизни кучайтиришимиз керак.

Европалик олимлардан бири бежиз "Ўзини яхши кўрган одам ҳеч бўлмаса бир ойгина дам олишга вақт топа олади" демаган. Шундай экан, сиз ҳам "Semurg'-shifo"нинг ўзига хос сир-асрорларини ўз кўзингиз билан кўрмоқчи бўлсангиз, бу ерни бир марта зиёрат қилинг-чи! Кейин юқорида айтилган гап-сўзларнинг қай даражада ҳақиқатлигини англайсиз.

Мохинур ҚОДИРОВА

«СЕМУРГ»НИНГ СИРИ...

Шахбоз АЛИЕВ,
"Semurg'-shifo" давлат
корхонаси бош директори:

— Юз ўринга мўлжалланган "Семург" санаторияси бундан 20 йил аввал "Алгоритм" ОАЖ қошида, Зангиота туманидаги Эшонгузар маҳалласи ҳудудида ташкил топган эди. Айни пайтда эса бу маскан республика Давлат Мулк кўмитаси тасарруфида фаолият юритмоқда. Майдони 2 гектардан иборат хушманзара жойда беш қаватли дам олиш ва

даволини биноси мавжуд бўлиб, барча шарт-шароитлар яратилган.

Албатта, бугунги кунда юртдошларимиз учун энг аввало танлаш имконияти ниҳоятда катта. Чунки бир-бирдан гўзал ва замонавий жиҳатдан ихтисослаштирилган дам олиш масканлари кўп. Гарчи ҳали-ҳамон амалга оширилиши лозим бўлган қатор таъмирлаш ва техник ўзгаришларга эҳтиёж сезилаётган бўлса-да, санато-

риямиз хизматига доимий ўрганиб қолган мижозларимиз етарли. Асосийси, бу ерда даволиниш моддий томондан ҳам қулайлиги боис, санаторий йилнинг ўн икки ойида ҳам гавжум бўлади.

Бир қарашда кўримсизгина бўлиб туюладиган "Semurg'-shifo"да республикамизнинг турли шаҳар-қишлоқларидан дам олувчилар келиб ҳам саломатлигини тиклаб, ҳам кўнгили ҳордиқ чиқаришмоқда. "Ишона-

Рухабоз Мирзааҳмедова, Нигора Бегматова, шунингдек, кўшни давлатлардан ҳам келиб бир неча йиллардан буён мунтазам даволаниб кетаётган ўнлаб фуқаролар алоҳида таъкидлашди. Хўш, "Semurg'-shifo"нинг бошқа санаторийлардан афзал ва қулай жиҳатлари нимада ўзи?

Феруза ТҲУТАШЕВА,
"Semurg'-shifo" санато-
рийси бош шифокори:
— Маълумки, 1993 йилдан



"БЕКА — ЧАРОС" ЧЕВАРЛАРИ

ХУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Бугунги дорилон кунларимизни бир қўли билан бешик, бир қўли билан дунёни тебратётган мунис ва дилбар аёлларсиз тасаввур этиш қийин. Ахир жамиятнинг қай бир жабҳасига назар ташламайлик, унда хотин-қизларимизнинг ўрни, меҳнати, фидойилигига гувоҳ бўласиз.

Оддий қишлоқ аёли, умрини одамларга яхшилик қилишга бахшида этаётган пастдаргомлик Гулбека Қўчқорова ҳам ана шундай фидойи инсонлардан бири. Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туфайли Гулбека Қўчқорова ҳам 2008 йилда тикувчилик фаолияти билан шуғулланувчи "Бека-Чарос" хусусий корхонасини ташкил этди.

— Бугун ҳар бир соҳада хотин-қизларимизнинг фаоллиги ошган. Бу Юртбошимизнинг бизга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги, яратиб берган шароит ва имкониятлари меваси эканлигини ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз, — дейди Гулбека Қўчқорова. — Ана шундай эътибор, имкониятлардан руҳланиб, дастлаб 2 та тикув машинаси билан иш бошлаган эдик. Уша йили "Микрокредитбанк"дан 2 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, яна 2 та тикув машинаси харид қилдик. Шу тарикада ишларимиз

юришиб кетди. Дастлаб кўрпа, кўрпача, ёстиқ, чойшаб тиқиш билан фаолиятимизни бошлаган бўлсак, кейинчалик янги иш ўринлари яратиш ҳисобига маҳсулот турларини ҳам кўпайтириб бордик. Эндликда корхонамизда уй-рўзгор учун зарур буюмлар билан бирга махсус иш кийимлари, болалар либослари, замонавий пардалар тикилмоқда. Туман ва вилоятдаги қатор корхоналар, мактабгача таълим муассасалари, ўқув юртлари билан шартнома имзолаб, буюртма асосида маҳсулот етказиб берамиз.

Айни пайтда корхонада 13 та тикув

машинаси бўлиб, 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилишмоқда. Беш нафар аёл касаначи сифатида рўйхатга олинган. Корхонада тикилаётган кийимлар сифати, миллий аъналаримизга мослиги билан ажралиб туради. Корхонанинг иш фаолиятини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида ўтган йили "Микрокредитбанк"дан яна ўн миллион сўм имтиёзли кредит олинди. Ҳозирда марказда барча турдаги кийим-кечаклар тиқиш имконияти мавжуд.

Гулбека опа бу корхонани очиш йўлида елиб-югуриб юрган йиллари хаёли-

дан нелар кечганини энди қулиб эслайди. Опанинг айтишича, корхонада ишларни кўнгилдагидек юргизиш масаласи жуда жиддий ўйлантирган. Чунки унинг олдида маҳалла хотин-қизлари орасидан моҳир тикувчиларни топиш, уларга корхонанинг келажагини ишониб топшириш масаласи кўндаланг турганди. Иш жараёнида билдикки, маҳалланинг чеварлари маҳоратда тенгсиз экан. Улар тайёрлаган маҳсулотларга бугун нафақат ўз тумани, балки вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам харидорлар талайгина. Яқинда корхона жамоаси Самарқанд шаҳридаги 9-сонли Меҳрибонлик уйига 400 минг сўмлик кўрпа-тўшак хайрия қилди.

"Йил аёли — 2009" миллий танловининг вилоят босқичи қолибаси, 3 нафар фарзанднинг бахтли онаси, турмуш ўртоғи Шамсиддин аканинг суяукли ёри — Гулбека опага бугунги кунда кўпчилик ҳавас билан қарайди. Турли масалаларда йўл-йўриқ, маслаҳат сўрайди. У маҳалланинг каттаю кичик тadbирларида фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Ҳа, ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди деганлар рост экан. Ана шу оддий ҳаётли ҳақиқат — камтарин ва самимий аёл Гулбека Қўчқорова тимсолида янада ёрқин акс этаётганига эса замондошлари гувоҳ.

Ҳошим ОРЗИКУЛОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Самарқанд вилояти (t)



ЧАЛПАК ЁҚҚАН КУН

«Ёмоқ учун уларга бўтқа ёғдирди, ҳам самовий галла берди уларга. Одамзоҳ фаришталар нонини еди, Уларга тўйгунча озуқа юборди» (Забурдан). «Бўтқа – чўлда оч қолган Исроил аҳлини тўйдирдиш учун Худо томонидан 40 йил давомида таъминланган самовий егулик» (Инжилдан).

Фарб оламининг тарихий ва илмий-оммабол адабиётларида осмондан ёғилган ажойиб нарсалар тўғрисидаги маълумотлар одатда ана шундай жумлалар билан бошланган. Ва олимлар (нима учундир) ўз динларининг Муқаддас китобидаги бу изоҳлар хусусида киноя билан фикр-мулоҳаза юритишади: «Хўш, Худо бу туҳфасини қай тарзда юборган? Қадимги замонларда почта йўқ эди, албатта. Балки почта йўқлиги ҳам яхши бўлгандир. Зеро, илоҳий ҳада солинган жўнатма то етиб келгунча, орадан икки ой ўтиб кетиб, айниб-сасиб қолган бўларди...»

Худди шу каби халқимиз орасида ҳам «Чалпак ёққан кун» каби эртақлар тарқалган эса аҳдоқларимиз бундай ноёб ҳодисаларга азал-азалдан эътибор бергани,

Осмондан ёмғир, қор ва аҳён-аҳёнда дўл ёғиши ҳаммага маълум. Бироқ қадимги замонларда кўкдан тайёр овқат ёққанини ҳеч эшитганмисиз? Қон, балиқ, бақа, сичқон, илон, тошбақа, фил, пул ва ҳатто... одам ёмғирлари ҳақида-чи? Ўтмишда Хиндистонда бир дон дўл филдек баҳайбат ҳайвонни ўлдирганини биласизми? Мабодо бу каби ҳодисалар ҳақида тасаввурингиз бўлмаса, марҳамат, ажабтовур ёмғирлар билан танишинг.

гани ҳақида Британиянинг «Муъжизалар китоби»да жуда кўп маълумот тўпланган. Мисол учун 1686 йили Уилтшир графлигида дўл донлари ичидан бугдой донлари чиққан. 1897 йили Марказий Африкада ўсвучи аҳудо дархтининг уруғлари Италиянинг Мачерата вилоятидаги бир қанча шаҳарларда тўлиб-тошиб кетган. 1913 йили Эроннинг Кирмоншоҳ водийсига жўхори донлари ёққан. 1971 йили ёзда Фарбий Африкада етиштирилвучи ловия Бразилиянинг шимол-фарбий ҳудудидаги фермаларни кўмиб юборди...

ОСМОНДАН ТУШГАН БАЛИҚ, БАҚА, СИЧҚОН ВА... ОДАМ

Осмондан ёғилвучи «балиқ таомлари» одамларни ҳаммаша хайратта солиб келган.

мондан узунлиги ярим метргача келадиган минглаб илонлар ёғилди. 1894 йили «Мансли уэзер реву» метеорологик йилномаси Миссисипи штатининг Бовингтон шаҳрида 20 смгача катталиқдаги тошбақалар ёғилгани ҳақида хабар берди. 1956 йил 26 октябрь тунда Сан-Франциско осмонидан кичкина паҳмоқ маймун кулаб тушди, кейинчалик полиция ўша кечаси бирорта ҳам самолёт маймунларни ташмаганини аниқлади. Бу борада ҳаммадан кўра японларнинг «омади чоғган» – Сензу Маро соҳилига осмондан ярим тонналик беш яшар фил тушиб ўлди.

Бундай «ёгин»лар орасида фақат бита нарса – «одамлар ёмғири» етишмай тур-

Абдурашид ҲАСАНОВ

СИНОАТЛИ ДУНЁ

тушган бўлақлар, деб билишади. У ҳолда Буюк Карл (742–814) даврида 15 x 6 x 11 фут (4,5 x 1,8 x 3,3 м) ўлчамдаги муз парчаси қайси самолётдан узилиб тушган бўлади?..

ПУЛ ЁМҒИРИ КЕРАКМИ?

Чиндан ҳам осмондан танга ёғилиши мумкинми? **1940 йили Россиянинг Горкий вилоятидаги Мешчера шаҳрида кўкдан кумуш тангалар тушган.** Орада бир неча йил ўтганидан сўнг Лондоннинг Баттерси ҳудудида осмондан сода ва кўмир билан бирга пенс тангалар ҳам ёғилган. 1956 йили Бристол шаҳрининг Ханем деган жойида пенс ва ярим пенсли тангалар тушган.


Буниси ҳали ҳеч гап эмас экан. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, **1957 йили Франциянинг Бурже ҳудудида осмондан «эгаси йўқ» бўлган нақ минг франклик (!!!) қоғоз пуллар ёғилганда, аҳоли ҳай аҳволга тушганини ўзингиз тасаввур қилаверинг...**

ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАШ МУМКИН?

Хўш, мана шу хилма-хил нарсаларнинг бари осмондан қай тарзда ёғилди? Авваламбор, бу нарсалар қандай қилиб осмону фалакка чиқиб қолган? Илм-фан бу фаройиб ҳодисага фақат бир хил изоҳ беради – гўёки бунга шамол ва қуюн (гирдоб, уюрма) сабабчи эмиш. Бўрон қушлар ва ҳашоратларни олис масофаларга учириб кетган, йирик ҳайвонларни ерда думалатиб юрган ҳолатлар маълум, ишончли ҳам. Бироқ у тирик жониворлар ва залворли тошларни узоқ жойларга олиб кетишга қодир эмас!

Қуюн (гирдоб, уюрма, ўрама) эса мутлақо бошқа гап. Унинг одамни учириб кетишини «қулай саёҳат» деб бўлмайди, албатта. Айланми тезлиги 18 м/с дан 150 м/с гача (баъзан ҳатто товуш тезлигига қадар) борадиган бу қудратли қуюн чиндан ҳам дахшатли куч. Хулласи калом, балиқ-бақа ёмғирларининг аксариятига қуюнлар сабабчи, деб бемалол айтиш мумкин. Бироқ бу дахшатли қотил чангалдан омон қолиш жуда катта муаммо. Қучли қуюнларнинг айланма тезлиги шу қадар каттаки, ҳайвонларнинг гўшти билан суюгини майда-майда қилиб, парчалаб юборди. Қон, ёғ ва гўшт ёмғирларининг сабаби, мана қаред! Бироқ қуюнларнинг транспорт воситаси сифатидаги имкониятлари худди шу ўринда тугаса керак. Чунки гирдоб ҳар қанча «чиранмасин», тирик ҳайвонларни ҳавода юзлаб, гоҳида эса ҳатто минглаб километрга учириб олиб бориб қўя олмайдик-ку, аҳир! Қолаверса, қуюн осмонда тошларни ташиб юришга ва кейин кичик бир жойга мўлжаллаб ташлаб туришга ҳам қодир эмас. Яна денг, баъзан ҳафталар мобайнида!

Хўш, у ҳолда физиканинг барча қонунарига хилоф равишда осмонда егулик ва заҳарли моддалар, тирик ва жонсиз нарсаларни ташиб юрвучи «сирли почтани» ким ўзи? Бўрон ҳамда қуюнлардан ташқари бошқа бир, янада ишончлироқ сабаб йўқмикин? Ва бу сабаб «моддийлашув» ҳамда «телепортация» ҳодисалари деб аталмасмикан? Ҳар қанча ҳикизарли бўлмасин, бироқ энди бу мутлақо бошқа бир мавзу...



Абдурашид ҲАСАНОВ, техника фанлар доктори. Халқаро экология ва ҳаёт хавфсизлиги фанлари академияси академиги, Халқаро Мухандислар академиясининг ҳақиқий аъзоси.

ҒАРОЙИБ ЁМҒИРЛАР

уни назардан қочирмаганини кўрсатади. «Худо берган текин овқат» воқеаси, таас-секин, кўпда содир бўлавермади. Шундан кейин ношукр бандалар – самовий таомлар тўфайли ҳаёти сақлаб қолинган одамларнинг авлодлари осмондан егулик ёғишини «афсона ва диний уйдирма» деб эълон қилишди.

Қадим замонлардаги самовий таомлар ёғини ноёб ҳодиса бўлган, албатта. Бироқ «ноёб» деган сўз «Бошқа ҳеч қачон такрорланмайди» дегани эмас!

Тадқиқотчи М.Ж.Тисдейл «Илмий мусобаҳалар» китобида 1846 йили Туркияда юз берган оқшарчиликни тасвирлар экан, сурункасига бир неча кун осмондан егулик бўтқа ёғилганини қайд этиб ўтади. Бошқа бир манбада келтирилишича, маҳаллий аҳоли осмондан тушган лишайникдан... нон пиширган экан. XIX асрнинг буюқ табиётшунос олими Александр Гумболдт эса Жанубий Америкадаги вулконлардан бирининг ёнида осмондан қовурилган балиқ ёққанини ўз кўзи билан кўрган.

1876 йил 8 март куни Кентукки штатида тиниқ осмондан 3–4 дюйм (7–10 см) катталиқдаги «бир нима»лар ёққанини жуда кўпчилик одамлар кузатишди – булар таъмига кўра қўй ёки буюқ гўштига ўхшаб кетадиган эрт парчалари эди. «Улар тепадан учиб ўтаётган қарчиғайлар тумшугидан тушиб қолган», деб даъво қилувчи кимсалар ҳам топилди, албатта. Бундан чиқди, узунқоқ шаклдаги кичик бир майдон устига аниқ мўлжал билан гўшт парчаларини ташлаётган қарчиғайлар тўқлиги ва кўринмаслигидан ташқари, ниҳоятда ақлли ҳам экан-да?

ҚОН, ҚУШ ВА ДОН ЁМҒИРЛАРИ

1880 йил 28 сентябрда женевалик профессор Брун Мароқашнинг Жабал-Секра ҳудудида ёққан «қон ёмғири» ҳақидаги овозаларни ўрганиб чиқиб, «протокок-кус флювиалис» номи микро-организмлар сувга қизил ранг берган, дея таҳмин қилди. Атиги 10 йилдан кейин, 1890 йил 15 май куни Италиянинг Калабрия ҳудудидаги Мессина деган жойда метеорологлар Бруннинг бу фаразини инкор этишди, чунки осмондан чина-камига тоза қуш қони ёғилди-да! Яна денг, бўрон у ёқда турсин, ҳеч қандай шамол ҳам қайд этилмасан пайта. Қон ёмғирлари ҳақидаги маълумотлар қадимги дунё муаррихлари – Геродот ва Плутарх асарларида ҳам учрайди.

1896 йили Луизиана штатининг Батон-Руж шаҳри кўчалари осмондан ёғилган, янги ўлдирилган юзлаб паррандалар (ўрдақ, маззахчи, қизилшоша ва ном-маълум қушлар)га тўлиб кетди. 1969 йил январда Мэриленд штатининг Сент-Мери шаҳрида қушлар ёмғири яна такрорланди.

Тиниқ осмондан уруғлик, дон ёғил-

Шундай ҳодисалар ҳақида Плиний асарлари ва Қадимги Вьетнам йилномалари хабар беради. Афинеининг маълумотларига кўра, миллоддан аввалги II асрда Қадимги Юнонистоннинг Херсонес шаҳрида нақ



Жониворлар ёмғири. Ўрта асрлар

уқ кун давомида осмондан балиқ ёққан экан. 1666 йили Англиянинг Кент графлигида, Ротэм шаҳри яқинидаги ўтлоқнинг икки акрлик майдони (яна ўлчамга эътибор беринг!) момакалдиқоқдан кейин чавоқ балиқларга тўлиб кетди...

Шунингдек, бутун бошли «бақа ёмғирлари» ҳам кузатилган. 1804 йил августда Тулуза шаҳри яқинида тип-тиниқ осмонда пайдо бўлган «тимқора булут»дан бехисоб бақалар ёғилган. 1863 йили Англиянинг Эйкл қишлоғи қурбақалар ёмғирига кўмилиб кетди, бироқ эртасига барча жониворлар сирли равишда номнишонсиз йўқолди. 1882 йил 16 июнь куни Айова штатининг Дюбук шаҳрида йирик-йирик ажабтовур дўл ёғиб, ҳар бирининг ичидан... тирик бақача чиқиб кетди. 1882 йил 30 июнь куни Бирменгемга галати оқ қурбақалар ёғилди.

Бу антиқа ҳодиса XX асрда ҳам давом этаверди. 1922 йили Шалон-сюр-Саон шаҳрида қурбақа ёмғири икки кеча-кундуз тинмади. 1954 йил 12 июнь куни Бирменгемда йўловчиларнинг соябонлари устида юзлаб бақалар сакраб юришди. 1973 йил 23 сентябр куни Франциянинг Бринол номи муъжазгина қишлоғига минглаб қурбақачалар ёғилди...

Сирли ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни йиғиб юрган таниқли мутахассис Чарльз Форт ажабтовур ёмғирларни ҳам назардан четда қолдирмаган. Унинг айтишича, XIX асрда жами 100 дан зиёд балиқ-бақа ёмғирлари рўй берган, XX асрда эса биргина Австралиянинг ўзида 53 бор шундай «ёгин» кузатилган!

1877 йил 15 январь куни Теннесси штатининг Мемфис шаҳрида ос-

ганди. Буни қарангки, у ҳам рўй берди! **1930 йили Германиянинг Рейн тоғларида осмондан танаси қалин муз қатлами билан қопланган беш киши кулаб тушди. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, бу ҳодисага олимлар орада қарийб ярим аср ўтганидан кейингина (!) сал-пал ишонса бўладиган дастлабки изоҳи беришди – ҳалокатга учраганлар гўё планёрчилар бўлишган-у, самолётинг шиддатли эпкинни уларни қора булутлар ичига суриб кетган эмиш.** Бироқ марҳумларнинг кийими улар учувчи ҳам, планёрчи ҳам бўлишмаганидан далолат беради, қолаверса, шамол эпкинни таналарни то қалин муз қатлами билан қоплангунча ҳавода қандай қилиб тутиб тура олди экан?..

ТОШУ МУЗИНГ ЁҒДИРМА!

Қадим замонлардан буён осмондан яна нималар ёғилган? Аслида-ку, нима ёғмаган, деб савол қўйсак тўғрироқ бўларди. Осмондан тушувчи тошлар ҳақида ҳамма эшитган, албатта. Тош ёмғирлари ҳақида қадимги дунё муаррихларидан Тит Ливий I асрда ёзган (сабинлар ва римликлар Албан тоғи чўқисидидаги Муқаддас дарахтзорда бундай ёгинларни кўп марта кузатишган). Англиянинг Корнуоли ҳудудида Труро деган жойдаги бир уйга узоқ вақт мобайнида гойибдан тошлар ёғилгани хусусида ошкор этилганидан кейин шундай ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар чин маънода «ёмғирдек ёғилиб кетди». 1960 йил 28 июль куни Хиндистоннинг Банорас шаҳрида осмондан муз билан қопланган улкан тош кулаб тушди. 1922 йили Калифорния штатининг Чико шаҳрида бир неча кун осмондан тош ёғилиб турган. Бу воқеанинг бошқаларидан фарқи шундаки, самовий тошлар шохидларнинг оёғи остига келиб, юмшоққина тушган.

Мухтарам ўқувчи! Назаримда, шу ўринда саволларингиз йиғилиб қолгандек. **Ғаройиб ёмғирларда аллақандай онглик аломати бор, улар муайян бир кичик ҳудудни аниқ мўлжаллаб ташлаш эътибор бериб боринг, деб аввал айтиб ўтгандик. Бироқ бу саволга жавоб қаред?**

Осмондан йирик муз парчалари тушиши ҳам бағоят фаройиб ҳодиса. 1802 йили Хиндистоннинг Кавендиш ҳудудида осмондан эни бир ярд (91 см) келадиган ва оғирлиги ярим тоннали муз парчаси тушди. Қадим замонларда Хиндистонда битта дўл донаси филни ўлдиргани ҳақида ёзиб қолдирилган. Худди шунга ўхшаб, 1877 йили Техас штатида баҳайбат дўл ёғиб, минглаб қўйларни нобуд қилди.

Ҳозирги вақтда олимлар муз парчаларини яқин орадан учиб ўтаётган самолётнинг танасини қоплаган муздан узилиб

Худуд нозири маҳалла кўмитасига Хайри хола ва келини Раънохонни бошлаб келди. Пешонаси ёрилган, юзи ва кўйлаги қон қайнонани ва худди ўғирлик қилиб кўлга тушгандек сочлари тўзиган, халати белбоғининг бир учи ерга судралиб тушган келинни кўриб, бир зум ўзимни йўқотиб қўйдим. Маҳаллада ўн беш йилдан бери хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида қанча низоли ҳолатларга гувоҳ бўлгандим-у, лекин бунақасини кўрмаган эдим.

Нозирнинг айтишича, келини Хайри холанинг пешонасини коса билан уриб ёрибди. Кўшиллар иштирокида тузилган акт ҳам бор экан. Холага ариза ёзинг, келинингизга чора кўрамиз, деса ҳам унамабди. Чақирилган

Бу гапларни эшитиб, бир чеккада тумшайиб ўтирган Раънохоннинг жазаваси кўзиб кетди:

— Пешонамни косага уриб олдим эмиш. Тилингизнинг учида "жон болам", "жон болам"

нами ё осмон ўпирилиб ерга тушди?

Рўзгор ишларига нўноқ, бетгачопар келин ва хокисор қайнона муносабатларини кузатар эканман, беихтиёр раҳматли қайнонам, илк келинлик дамларим кўз ўнгимдан ўта бошлади. У киши ҳам Хайри холага ўхшаб ҳар бир гапига "жон болам"ни кўшиб сўзлар, шунинг учун кўшиллар "Жон болам хола" деб чақириварди. Тўнғич ўғлим тугилгач, қайнонам Хоразмдан Тошкентга келиб, биз билан бирга яшай бошлади. Раҳматли

эшиги ланг очик, тор йўлак эркакларнинг оёқ кийимларига тўлиб кетган, улардан чиқётган "анвойи" ҳидлардан кўнгили беҳузур бўлади. Қайнонам шошиб менга пешвоз чиқди:

— Яхши келдингми, жон болам, уйда меҳмонлар бор, Хоразмдан, — деди пичирлаб.

— Кимлар экан?

— Билмасам, жон болам, яхши танимадим. Бирови қўшни кўчадаги Олим ҳарратнинг боласиман дейди, қолгани унинг оғайнилари бўлса керак. Тўрти-

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

га, эрингга миннат қилма. Бир кун келиб, бу хизматларининг раҳматини олсан, — дея мени овутиди.

— Борган жойимда униб-ўсман десанг, — деганди отам, — ўша жойнинг урф-одатига, шариитига қўнишинг, қўниқшинг ва чидашинг керак. Уйингга меҳмон келганда, бугдой нонинг бўлмаса, бугдой сўзинг бўлсин; қизим. Қайнота-қайнонангни хизматини, ҳурматини жойига қўйсанг, уларнинг дуосини олсанг, мени, онангни ҳурмат қилган бўласан, буни асло унутма, болам!

Онам айтганидек, суякларини омон эканки, шилинган қўлларим битиб кетди. Энди Хоразмга борғудай бўлсам, ўша келган меҳмонлар, қариндошлар "Тошкентлик галин бийим галибди", деб оёғим тагига қўй сўйиб меҳмон қилади, иззат-ҳурматини жойига қўяди. Қайнонам охириги йиллари Хоразмга қайтиб кетганди. У киши вафотидан уч кун олдин ҳамма қариндошлари ва қўшиллариники ҳам бирма-бир бориб, уларга кўкрак чўнтагида олиб юрган расминини кўрсатиб: "Мен қизим йўқ деб армон қилардим, аммо Тошкентда ўғлимдан-да меҳрибон, қизимдан-да афзал доно келиним бор...", деган экан...

Орзу-ниятлар билан қиз узатган опа-сингилларимизга, мақола аввалида тилга олинган Раънохоннинг онасига ўхшаб ҳар кун беш-олти ой бўлди. Хайри хола келинни доимо алқаб, мактаб юрарди. Ҳозир шу аҳволда ҳам, тинмай келиннинг ёнини олиб гапирарди:

"Тез ёрдам"ни ҳам рад этибди. "Қилар ишни қилиб кўйган келини эса ўзимни пастга ташлайман деб, ҳали ўзини эшикка уради, ҳали деразага. Шунинг учун тўғри маҳаллага олиб келишга мажбур бўлдим", деди инспектор...

Қурбон амаки ва Хайри холаларнинг зиёли оиласига маҳалладагилар ҳавас қилишарди. Улар ўттиз йил мактабда ишлаб, тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Уч қизини узатган, яхшигина иши бор кенжа ўғилни уйлантирганларига эса энди беш-олти ой бўлди. Хайри хола келинни доимо алқаб, мактаб юрарди. Ҳозир шу аҳволда ҳам, тинмай келиннинг ёнини олиб гапирарди:

— Ўзим айланай сиздан, ваҳима қиладиган ҳеч нима бўлган йўқ. Ўғлим ишда, амакинги касалхонада даволанапти. У киши суяқ овуқатни ёқтиради, келин аччиққина, қиймали мошхўрдага уннаётган эди. Қариллик кўрсин, қўқилиб кетиб, столада турган косага пешонамни уриб олдим. Шу пайт кўшим келиб қолди, қонни кўриб, билмай меласа чақириб қўйибди. Амакинги бу гапларни эшитса, бундай иснодни кўтара олмайди. Жон синглим, ёпиғлик қозон ёпиғликча қолсин, келинимда айб йўқ, айб ўзимда, келиб-келиб коса устига йиқиламани?

деб, жонимни ҳиқилдоғимга келтирдирингиз-ку! "Мошхўрдани қиймаси чумчуқнинг калласидай бўлиб кетибди, жон болам, ярим

жуда содда, меҳрибон ва бағрикенг инсон эди. Ҳаммага "Ўғлим пойтахтда яшайди", деб манзил бериб келган экан, кўп ўтмай

си тўрт боласини эргаштириб, ўқушга киритаман деб келаверибди. Отимни тутиб келганларидан кейин ништаман, болам, уйга киритдим, чой бердим. Энди кечга ўзинг бир овқат қиларсан, жон болам...

Эртага ишхонада — аттестация, тайёрланаман деб, уйга бир талай ҳужжатларни олиб келгандим. Кутилмаган бу ҳолатдан кўнглим жуда гаш бўлса-да, ясама кулги билан қайнонамга: "Хўп, энажон, ҳеч ташвишланманг, бир амаллайман", дедим... Меҳмонлар уч кун қатнаб ҳужжат топширдилар ва "Янга, энди августда яна келамиз", дея қайтиб кетишди. Доим меҳмонлар кетгач, кир ювиш машинама йўқлиги учун ваннани тўлдириб сочиқ, чойшаб, ёстиқ ва кўрпа филофларини ювар, қўлларим қавариб, шилиниб кетарди. Бир кунни уйга борганимда, онам қўлларини кўриб, ҳайрон бўлди. Ўпкам тўлиб юрган эканми, ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим:

Мендан ҳол сўраганига пўшаймон онам қўллари орасига қўлимни олиб, меҳр билан силлар экан:

— Ҳеч қайғурма қизим, қўлинг шилинган бўлса, суякларини омон-ку, эт битиб кетади ҳали. Эшигингга келганлар ким бўлмасин, очик чехра билан кутиб ол, хизматингни қайнонанг-



икки хонали уйимиздан таниш-нотаниш меҳмонларнинг оёғи узилмай қолди.

Жазирама июль ойи. Кечкурун бир қўлимда озиқ-овқат тўла халта, иккинчи қўлимда китоб-дафтарларим, ҳориб-чарчаб ишдан қайтсам, уйимизнинг

Ишдан қайтган Мутал домлага аёли «Тезда онангининг ёнига ўтинг», деди. Домла шоганча онаси турган уйга кирди. Тўшақда ётган аёл кўзларини очиб ўғлига қаради. Домланнинг кўнгли тинчланди.

— Кўрқиб кетдингми, болам, кўрқма, ҳали ўлмайман. Юрагимда битта дард бор, шуни айтмасам ўлолмайман.

Мутал домла онасининг ёнига келиб ўтирди. Гулжаҳон момо эса сўзини давом эттирди:

— Ўғлим, сен билмайсан, менинг авлод-аждодим бу ўраллик эмас, мен аслида олис Қашқадарё деган юртдан келиб

кафт-ярим кафт бугдой, арпа топиб келардим.

Бир кун чечам мени Бўрижарга тезак тергани ёлғиз жўнатди. Баҳорнинг адоғи эди. Бир амаллаб ярим тўра тезак тердим. Очлик сабабли ҳўшимдан кетиб қолибман. Бир маҳал кимдир озгимга сув томизди.

Кўзимни очсам, нотаниш киши бошимда турибди. Илк айтган сўзим «нон» бўлди. Бояги одам қўлимга яримта мулойим нон тутди. Қалпоғимни тўлдириб майиз-ёнғоқ берди.

Атрофда тўрт-бешта туя ўтлаб юрарди. Қорним тўйгач, ўрнимдан турдим ва

дим. Ўшанда қишлоғимни, қариндош-уруғларимни соғинардим. Айнқиса, бу тўйғуни тўйимиз бўлган кун чукур ҳис қилдим. Отанг билан қирқ йил бирга яшадим, лекин ичимни кемираётган дардди у кишига айтолмадим. Умр эса ўтаверди. Аввал сен, кейин ука-сингилларинг тугилди. Мана, бугун ҳамманг оилали бўлдинг. Менинг ҳам ёшим саксоннинг ёқасида. Болам, сендан бир ўтинчим, мен туғилган қишлоқни излаб топ, бобонг Ғузур ва Қамашининг туташган жойи эди, деганди.

Хели-ҳештимни суриштир, тоғаларингнинг болалари бордир. Бу ҳам

бўлмаса, ўша жойнинг мазоридан бир кафт тупроқ келтир, қабримга сочасан, бўлмаса кўзларим очик кетади.

Эртасига Мутал домла ўз ҳисобидан таътил олиб, Қаршига жўнади ва шогирди Тиловбердининг уйига борди. Бир пийла чой ичгач, ўзининг ташрифи мақсадини айтди. Тиловберди домлани машинасида Ғузурга олиб бориб, бир неча кексалар билан учраштирди. Устоз ва шогирд Қамашиди бозордан мол етаклаб келётган Туфли даллолга дуч келди. У меҳмонларнинг муддаосини диққат билан эшитди. Сўнг чукур уйга толди ва бирдан чехраси очилди.

— Энангизнинг отини Гулжаҳон дедингизми?

КАРВОН ОЛИБ КЕТГАН ҚИЗ

(Бўлган воқеа)

қолганман. Униб-ўсган қишлоғимни Каттасой дер эди. Отамни Турдикул, энамни Хайри чевар деб чақириварди. Машҳум уруш бошланиб, отамни фронтга олиб кетишди. Олти ой ўтиб, уйимизга «қора хат» келди. Энам дардди кўтаролмай, хасталаниб ётиб қолди. Охири қон қусиб, оламдан ўтди. Шўр етим бўлиб қолган мени тоғам уйига олиб кетди.

Тоғамнинг оиласи ҳам жўжабёрдек жон эмасми, чечам мени хушламайгина қарши олди. Чечамдан гинам йўқ. Чунки уларнинг мен тенги ўғли ва яна иккита қизи бор эди-да.

Кўп ўтмай, тоғамни аллақачерга қанал қазिशга олиб кетишди. Тоғамнинг ўғли Туфли иккалмаси адирда теша билан юмронқозикнинг инини қавлаб, бир

бошимдан ўтган савдоларни бояги одамга йиғлаб сўзлаб бердим. У менинг кўзларимга тикилди ва деди:

— Менга қиз бўласанми?

— Майли...

Бу одам бобонг Салим карвон эди. Бобонг туялари билан ғалла ташир экан.

Ортимда туғилган маконим, юртим қолаётганида ўшанда парво қилмагандим. Аммо бу азобни кейин англадим. Салим карвон мени ўзининг боласидек тарбия қилди, улғайтирди ва турмушга узатди. Баъзан кўча-кўйда одамларнинг мени кўрсатиб, «Ана, Карвон топиб олиб келган қиз», деган сўзларини эшитиб қорлар-

УМИД ЎЛМАЙДИ

— Ҳа.

— Ахир, энангиз менинг амманнинг қизи, жияним бўлади, сиз унинг ўғлисиз, шундайми?

— Ҳа, тўнғич ўғли Мутал муаллимман!

— Мен эса тоғанг бўламан!

Улар қучоқлашиб кўришишди, иккаласининг ҳам кўзларидан ёш юмалади.

— Биз онагни бўйлар еб кетган деб юрардик. Мен уни излаб борганимда, ярим тўрва тезакдан бошқа ҳеч нарсани тополмагандим, — даллол шошилиб деди.

— Энанг тирикми?

— Сизларни кутиб ётибди, тоби йўқ...

Ўша кун Туфли даллолнинг уйида тўй бўлди. Мутал домланнинг мўъжазгина қишлоқда ўнлаб қариндошлари, қадрдонлари борлигидан кўнгли тоғдек кўтарилди. Эртасига Туфли даллол ўғлининг машинасида жияни билан Бухорога жўнади. Туфли даллол бора солиб, Гулжаҳон момони қучоқлаб ўқириб йиғлаб юборди. Тоға-жианлар тонгача дийдорлашишди, ўтган воқеаларни бир-бир ёдга олишди.

Эртасига эса Гулжаҳон момонинг жони узилди. Момони тоғасининг ўғли тупроққа қўйди...

Ўрлобйи КОБИЛ,
Қамаш туманидаги
42-мактаб ўқитувчиси.

ИЛК РАҲМАТ

Жиянларимдан бирини узатадиган бўлдик. Бўлажак қайнонасининг тўйдан аввал: "Агар йўқ демасанглар, қизингиз рози бўлса, тўй куни "фата" деганларининг ўрнига миллий кийинса, дадамиз келинларини оstonадан шу кўринишда кириб келишини жуда орзу қилгандилар", деган гапидан сўнг қиз тушмагурни бундай кийинишга кўндиришимиз осон кечмади. Ўзбекиона, замонавий услубда тикилган атлас кўйлақ, бошига дўппи, устидан харир рўмол ташлаган жиянимиз фарштаннинг ўзи бўлди-қолди. Аммо дугоналарига ўхшаб европача кийинолмаганидан даврада қовоқ-тумшуги осилиб ўтирди...

Бир hafta ўтиб, уни кўргани бордим. Елиб-югуриб қайнона-қайнонасининг хизматини қилиб юрган экан. Чехраси очқилигидан қувондим.

— Хола, кўёвингиз ва қайнотамлар менга раҳмат айтишди, — деди болаларча қувониб.

— Халитдан раҳмат эшитаётган бўлсанг, ишинг яхши экан, — дедим. — Ҳўш, қандай «каромат» кўрсата қолдинг?

— Маҳалладаги йиғинда дадамларга: "Келиннинг тўйда миллий либос кийди, кўпчилик хавас қилди", деб раҳмат айтишди. Кўёвингиз ҳам ўша куни "Мени хурсанд қилдингиз" деганди! Булар менинг бу хонадонда эшитган илк раҳматларим.

— Илоҳим, бундан кейин ҳам шундай бўлсин, — дедим кўнглим ёришиб.

БЎЙИНГДАН ГУЛ ОЛСА АНДОЗА

РЎМОЛЧА

Болалигимизда маҳаллага келин тушса, қизалоқлар «юз очар» куни келинчақдан рўмолчалар олгани киришарди. Сеп ёйилган уйнинг бир тарафидан бир-бирдан гажакдор қилиб турли матолардан тўқилган рўмолчалар жой оларди. Уларни кўрсатиб мақтанардик. Шу рўмолча орқали келиннинг диди, чеварлигига баҳо бериларди...

Хозир рўмолчаларнинг қимматлигига қараб келиннинг сепига баҳо берилаяпти (эп्ली эканига эмас!).

Бир кўргазмада жажжигина қизалоқ четлари тўқилган рўмолчани кўрсатиб, "бу нима", деб онасидан сўради. Она рўмолча ҳақида батафсил гапириб берса-да, барибир қизча бу матоҳга ҳайрат билан қараб-қараб кўярди...

Наҳотки, келинларнинг зийнати бўлган кашталар тикиш, рўмолчалар тўқиш санъати бугунга келиб унут бўла бошлаган бўлса-я? — деган ўйга борасан киши. Ёки шоир ёзганидек:

Сочларига жамалак таққан,
Қизалоқлар кўринмай қолди.



Ҳатто келин кўёвга атаб,
Рўмолчалар тўқимай қўйди.
Урф-одатлар унут бўлмасин,
Жон қизларжон, каштага қайтинг,
Келинларнинг рўмолчасидан
Ифорлроқ нима бор, айтинг?

ҲАЁ СОТИЛМАЙДИ

...Оқшом чоғи овқат қилиш асносида деразадан ташқарини кузатиб турсам, кўшни уйнинг йўлагидан чувиллашиб уч-

тўрт нафар қизлар кириб кетишди. Ўша уйда талаба қизларнинг ижарада туришидан хабарим бор эди. Сипогина кийинган шўх қизларга боқиб хавасим келди: «Ёшлиқнинг фусуни бошқача-да, ҳамма нарса ярашади».

Аммо... бироз вақт ўтиб, гўзал тасаввурим ўрнини ғашлик эгаллади: ўша қизлар тор, калта шим ва худди шундай кофтачаларни кийиб олиб, сочларини ёйганча қаёққадир отла-нишар эди...

Ота-онаси, ака-укасининг олди-дан сипогина кийиниб чиққан бу қизларнинг шу юришини уларнинг яқинлари билишармикан? Сўнгги урфда кийинишни ёшлиқнинг ғашти деб биладиган бу қизлар нега ўзбекиона либосларини бундай бешарм кийимларга алмашдилар? Кўйлақларига кўшиб ибб-хаёниям ечиб отмасликларига жуда ишонгим келади...

Энди билдимки, ёшлиқнинг фусуни ўзгача бўлар экан, аммо унга ҳамма нарса ҳам ярашавермаскан... Қолаверса, ўзбек қизлари ифрату ибоси боис гулга қиёсланган. Шу боис улар шаънига қарата айтгим келди: "Қанийди, бўйингдан гуллар олса андоза, синглим!"

Шахло ТОШБЕКОВА



"Мақтабда ўқиб юрган кезларимда Гулини ёқтирдим. У очик кўнгли, меҳрибон қиз эди. Неча марта чоғландим, лекин ҳеч юрак ютиб унга муҳаббатимни ихзор қилолмадим. Мақтабни тугатгач, ҳунармандага шогирд тушдим. Яқин дўстим Равшан учрашгун деб Гулининг уяли телефон рақамини топиб берди. Кўнгирик қилдим. Афсус, тортинчоқлим панд берди. Уни ўшанда маҳалладошимга унаштиришган экан. Армон билан унга бахт тилаб қолавердим. Онам, олам кўп қизларни сўраб суриштиришди. Тақдиримиз қўшилмаган экан-да, ҳалигача тенгимни тополмаяпман. Онам кўшимни "Оила ва жамият" газетаси сабаб бахтини топди, кеча никоҳ тўйига бордик, дея менга маслаҳат берди. Умид билан келдим. **Ёшим 30 да.** Хунармандман. 30 ёшгача бўлган, ақли, оқ кўнгли, тошкентлик қизга уйланиш нияти-даман.

**АБДУРАҲМОН,
Тошкент шахри."**

"Уйдагиларимнинг айтишича, мен икки ёшимда полиомиелитга чалиниб, узоқ вақт тўшака михланиб қолган эканман. Вақт ўтиши билан аста-секин оёқларим ҳаракатлана бошлабди. Кейинчалик кўлтиқтаёқ ёрдамида юра бошладим, лекин таянч-ҳаракат аъзоларимда касаллик асоратлари қолди. Ўрта мактабни тугатиб, ТошДУ(хозирги УзМУ)нинг математика факультетига ўқишга кирдим ва битиргач, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб бошладим. Ногирон бўлсам-да, отасига миғ раҳмат, тўрт мучаси соппа-соғ Гулбахор менга кўнгли қўйди ва иккаламиз турмуш

қурдик. Биз жудаям бахтли яшардик. Отам вафот этгач, тўрт синглим ҳам менинг қарамоғимда қолди. Уларни ҳеч кимдан кам қилмай узатдим. Қизчали бўлдик. Кўргуликни қарангки, туғруқонада хотинимнинг жони узилди. 23 кунлик чақалоқни юрагим куйиб, зор-зор йиғлаб туғруқонадан ўзим олиб чиқдим. Қизим бир ёшга тўлгач, яқинларим маслаҳати билан кўшни қишлоқлик бир ўғли билан бева қолган Холбуви исми аёлга уйландим. Унинг ўғлидан меҳримни аямасим. У ҳам менинг қизимни еру кўкка ишонмай тарбиялади, биргаликда узатдик. Холбувининг қон босими кўтарилиб турарди. Ўғлимизни уйлантириб, неваралар сууб, тинч-тотув ашаётгандик. Қутилмаганда Холбувининг қон босими ошиб, ҳушини йўқотди...қазо қилди.

Хозир фарзандларим атрофимда парвона. Лекин ёлғизликдан қийналяпман. **Ёшим 60 да.** Моддий жиҳатдан таъминланганман. Ёшимга мос, қадримга етадиган, тақдири ўзимга ўхшаш аёл учраса, хабар берсангизлар.

**ЭРКИН ака,
Тошкент вилояти."**

"Уч қизимнинг кенжаси Дилбарни институтни тугатгач, узатамиз деб

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўкига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ният қилгандик. Чунки опалари ҳам ўқиб, қайнона-қайнота хизматида бўлиб, ҳам бола боқиб, анча қийна-лишганди. Лекин қиз болага совчи бир ёпирилиб келар экан-у, кейин...

Қизим 26 ёшда эди. Кўёвим Раҳим билан автобусда танишиб қолган экан. Эртаси куни Раҳим уйимизга онасини бошлаб келди. Оилада икки ўғил бўлиб, у каттаси экан. Отаси автохалокатга учраб вафот этгач, уни бобоси қарамоғига олиб тарбиялаган. 15 кун ичида тўйлари бўлди. Дастлаб бинойидек яшашди. Ўғилчаси туғилгач, синглим совуқ гап топиб келди. Билсак, кўёвимиз Дилбардан олдин ҳам уйланган экан. Олдинги хотини бобосининг яқин ўртоғининг қизи бўлган. Келинчақнинг тўтқаноқ касали бўлганлиги сабабли, икки ой яшашгач, ажрашиб кетишган экан. Бу гапнинг ростлигини билгач, қизимнинг эридан кўнгли қолди. Бизнича меҳмонга келса, мажбурлаб уйига жўнатардик. Охири қонуний ажрашиди.

Дилбарнинг **ёши 31 да.** 3 ёшли ўғилчаси жудаям ёқимтой. Маълумоти олий. Нуфузли жойда хизмат қилади. Ёшига мос, росттўй, инсоний фазилатларни қадрлайдиган эркак учраса, қизимизни узатиш ниятидамыз.

**МУКАРРАМ хола,
Навоий вилояти."**

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларга тақриф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.
- Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйгурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).
- Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).
- Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макياج — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).
- Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
- Тўқувчилик — 2 ой.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчок тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни

■ Машғулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган кўлэзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.	Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ	ОБУНА ИНДЕКСИ — 176
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.	Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20 Мухбирлар: 234-25-46 Котибият: 233-04-35	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Бюролма Г — 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9014. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ. Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ. Мусаҳҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Феруза РАҲМОНҚУЛОВА.
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz	Web-site: oilavajamiyat.uz	Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.
		ISSN 2010-7609
		1 3 4 5